



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ЭЛЕКТРОН ХУКУМАТ

“Аҳборот тизимлари ва технологиялари
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналиши

ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ
2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2022

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларнинг аппарат ва дастурий таъиноти” кафедраси катта ўқитувчisi О.Н.Джураев.

Тақризчилар: Беларусь-Ўзбекистон кўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ижроchi директор в.в.б., DSc Я.Исмадияров, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири, проф. Х.Зайдинов.

Ўқув -услубий мажмуа Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 29 октябрдаги 3(705)-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол методлар	10
III. Назарий материаллар	17
IV. Амалий машғулот материаллари.....	45
V. Кейслар банки.....	75
VI. Глоссарий	81
VII. Адабиётлар рўйхати	85

І БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Электрон ҳуқумат “ модулининг мақсади: электрон ҳуқумат бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ошириш.

Модулнинг вазифалари: олий таълим муассасалари педагог кадрларида электрон ҳуқумат хақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Электрон ҳуқумат“ модулининг модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- электрон ҳуқумат тушунчасини;
- электрон ҳуқумат жорий этишнинг жаҳон тажрибасини;
- Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳуқумат” тизими ривожланиш босқичлари, архитектураси ва бошқарув схемасини **билиши** керак.
- электрон ҳуқуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари

комплексларидан фойдаланиш;

- ягона интерактив давлат хизматлари порталаида ишлаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

- электрон ҳукумат лойиҳаларини яратиш ва “Электрон ҳукумат” тизими ишлаш самарадорлигини ошириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Электрон ҳукумат” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Электрон ҳукумат” модули мазмуни ўқув режадаги “Таълимий SMM”, “Булутили ҳисоблаш, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш”, “Кибергхавфсизлик” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида булутили ҳисоблаш, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар электрон ҳукуматни жорий этишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир қасбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Электрон ҳукумат тушунчаси, мақсад ва вазифалари. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.	2	2		
2.	Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақият ва хавф омиллари. Электрон ҳукуматнинг моделлари.	2	2		
3	Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш: тарихи, босқичлари ва тажрибаси.	2	2		
4	Ўзбекистон Республикаси ягона интерактив давлат хизматлари порталлари билан ишлаш.	2		4	
5	Электрон ҳукумат интерактив хизмат тизимларидан фойдаланиш.	2		4	
	Жами:	14	6	8	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза. Электрон ҳукумат тушунчаси, мақсад ва вазифалари. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-хуқуқий асослари (2 соат).

Электрон ҳукумат тушунчаси, вазифа ва принциплари. Электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.

2-маъруза. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақият ва хавф омиллари. Электрон ҳукуматнинг моделлари (2 соат).

Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақияти. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг хавф омиллари.

3-маъруза. Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш: тарихи, босқичлари ва тажрибаси (2 соат).

Электрон ҳукумат тарихидан. Электрон ҳукуматни жорий этиш босқичлари. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Жанубий Корея тажрибаси.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Ўзбекистон Республикаси ягона интерактив давлат хизматлари порталлари билан ишлаш (4 соат).

1-амалий машғулот. Электрон ҳуқумат интерактив хизмат тизимларидан фойдаланиш (4 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihchalap echimi boyicha daliillar va asosli argumentlarни taqdim қилиш, эшитиш ва muammolap echimini topish қобiliyatini rivojlanтириш).

ШБҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Блум қубиги» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
 - Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
 - Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштирувчи савол)
 - Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)
 - Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
 - Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
 - Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)
2. Ўқитувчи мавзууни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташлайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWHL” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWHL:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишини хоҳлайман?

How - қандай билиб олсан бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?.

“KWHL” методи	
1. Нималарни биламан: -	2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишиим керак: -
3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: -	4. Нималарни билиб олдим: -

“W1H” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машки вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин)	

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



“ВЕЕР” методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зааралари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stady» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши

мумкин.



Тест



Муаммоли вазият



**Тушунча таҳлили
(симптом)**



Амалий вазифа

“Инсерт” методи

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“_” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

ШБҮЛІМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-маъруза. Электрон ҳукумат тушунчаси, мақсад ва вазифалари.
“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий
асослари (2 соат).**

Режа:

- 1.1. Электрон ҳукумат тушунчаси, вазифа ва принциплари.
- 1.2. Электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Таянч иборалар: Электрон ҳукумат, *E-Government*, давлат органларининг шаффоғлиг, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги; электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши; «ягона дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиши; давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш; электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиши; электрон давлат хизматлари кўрсатиши тартибини мунтазам тақомиллаштириб бориши; ахборот ҳавфсизлигини таъминлаши.

1.1. Электрон ҳукумат тушунчаси, вазифа ва принциплари

Электрон ҳукумат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимиdir.

Электрон ҳукуматнинг бир қанча таърифлари мавжуд. Кенг маънода, электрон ҳукуматнинг вазифалари ва хизматлар кўрсатиши ҳамда фаолиятини ривожлантириш учун АҚТни қўллаш сифатида белгиланиши мумкин.

Ўзига хос равишда, электрон ҳукуматни “давлат оғанлари кўрсатаётган хизматларнинг шаффоғлиги, самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш тизими” деб тушуниш мумкин. Шунингдек, электрон ҳукумат АҚТни қўллаган ҳолда давлат органларининг янада самарали фаолият кўрсатиши ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига сифатли хизматлар кўрсатишидир.

Электрон ҳукумат атамаларини қуйидаги тўртта асосий қисмлари орқали умумлаштирилади ҳамда қуйидагича тавсифланади¹.

1. АҚТ дан фойдаланиш (компьютер тармоқлари, интернет, факс ва телефон).
2. Ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлаш (ахборот билан таъминлаш, хизматлар, маҳсулотлар, маъмурий бошқарув).
3. Фуқаролар билан ҳукумат муносабатларини ривожлантириш (янги алоқа каналларини яратиш, сиёсий ёки маъмурий жараёнларига фуқароларни тарғибот ва ташвиқотлар орқали жалб қилиш)

¹ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-17

4. Белгиланган стратегияларга мос равища иштирокчиларни жараёнларда қатнашиш қийматини белгилаш.

Жадвал 1.1

Электрон ҳукумат таърифлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	Электрон ҳукумат – фуқароларга давлат органлари томонидан ахборот ва хизматларни етказиб бериш учун Интернетдан фойдаланиш.
Жаҳон банки	Электрон ҳукумат давлат органлари ахборот технологияларидан фойдаланиб фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашни назарда тутади. Ушбу технологиялар турли мақсадларга хизмат қилиши мумкин: фуқароларга давлат хизматларини яхшироқ этказиб бериш, бизнес ва ишлаб чиқариш билан ўзаро мулоқотни такомиллаштириш, керакли маълумотларни олиш орқали фуқаро ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ёки янада самарали давлат бошқарувини амалга ошириш.
Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти	Электрон ҳукумат термини ҳукумат томонидан АҚТдан фойдаланиб, бир қатор амалий функцияларини тўлақонли бажариши назарда тутади. Хусусан, Интернет ва тегишли технологиялар томонидан таклиф этилган тармоқ салоҳияти тузилмалари ва ҳукуматнинг ишлаш жараёнини трансформацияси тушунилади.

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини, шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишини таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;
- ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун худудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;
- ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;
- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «ягона дарча» принципини жорий этиш;
- тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;
- тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан

фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

- нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш.

Электрон ҳукуматнинг асосий принциплари қуидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги;

- электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равища фойдаланиши;

- «ягона дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш;

- давлат органларининг хужжатларини бирхиллаштириш;

- электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;

- электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Электрон ҳукумат имкониятларини амалга ошириш мақсадида кўпгина давлатлар ўзларининг электрон ҳукуматни ривожлантириш сиёсий режаларига киритишмоқда. Дастлабки эътибор АҚТдан фойдаланиш орқали давлат ишлари самарадорлигини оширишга қаратилди. Шу билан бирга, электрон ҳукумат хизматларига давлат томонидан чекланган инвестициялар таъсири натижасида, 2000 йилнинг ўрталарида фуқарога йўналтирилган ёндашув томон натижалар ўзгарди. Ушбу ёндашув натижасида ҳукумат хизматларини етказиб бериш жараённида фуқароларнинг давлат хизматларига турли эҳтиёжларининг мослигини таъминлаш биринчи ўринга кўйилганлиги орқали сезиларли ўзгаришларга сабабчи бўлди. Бугунги кунда электрон ҳукумат нафақат давлат сектори вазифалари ва жараёнларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш учун бир муҳим восита, балки ҳукуматни ўзgartиришга ва хизмат ишлаб чиқиши ҳамда етказиб бериш учун янги ёндашувларни яратишида асосий ҳисобланади.

Умуман олганда, онлайн хизматларнинг кўпайиши, ушбу хизматлардан янада кенгроқ фойдаланиш, ўз навбатида электрон ҳукумат тизимининг таъсири катта эканлигидан далолат беради. Шундай қилиб, электрон ҳукумат, ҳукумат шаффоғлиги ва ички самарадорликка таъсир этиб барқарор ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун электрон фуқаролар ва электрон бизнес иштирокчиларининг муҳим оммаси мавжуд бўлишларини талаб қилади. Электрон ҳукумат хизматлари фойдаланувчиларининг муҳим оммасининг кўпайиши, анаънавий хизмат кўрсатиш усулидан воз кечиб, электрон ҳукумат хизмати кўрсатиш усулига ўтиб кетишлири талаб этилади. ва бу жараён осонлик билан амалга ошмайди.

Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш, ишлатишида қачонки кўпчилик аҳолининг талаблари ва улар томонидан қўллаб-қувватланиши имкониятлари бўлсагина тизим мувафақиятга эришади. Аҳоли талабларининг бир қисми аҳолининг ушбу тизим ҳақидаги билимларининг етарли бўлганлиги, унинг имкониятлари ҳамда давлат хизматларини тезда ва яхши хизмат кўрсатиш орқали амалга оширилади. Фуқаро ва тадбиркорлар электрон-ҳукумати хизматларидан фойдаланишда қизиқишилари ёки мотивациялари, актуал, осон олиш мумкин бўлган рақамли контент хизматларини тақдим этишлари лозим.

Булардан ташқари давлат жамоага электрон кўринишдаги хизматларга бўлган ишончни оширишида маълумотларни ҳимоялаш ва унинг конфиденциаллигини

таъминлашини назарда тутиши керак.

Электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланиш талаблари ва қўллаб кувватлаш даражасини оширишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- қўп каналли ягона ойна умумий хизматларни етказиб бериш инфратузилмасини, автоном равища жамоага хизмат кўрсатиш маркази ва жойлари, жумладан телемарказлар, чақирувларни қайта ишлаш марказлари, веб ва мобил порталларини ишлаб чиқиши;

- АКТ иштирок этган операцияларни ва рақамли муҳитдаги барча ўзаро муносабатларга жамоа томонидан ишонч билдирадиган чораларни амалга ошириш;

- белгиланган талабларни қониктирадиган, қулай контент ва хизматлар, шу жумладан “иловалар ишлашини тугатувчи” деб аталувчи дастурларни ишлаб чиқарувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

- электрон хизматлар ва уларнинг имкониятларини кенгайтириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган дастурларни амалга ошириш.

1.2. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири хисобланади. Айниқса, давлат бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, электрон ҳукуматини шакллантириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Электрон ҳукуматни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустахкамлаш мақсадида “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

2013 йил 1 июлда жорий қилинган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қанчадан-қанча аҳолининг узогини яқин, оғирини енгил қилувчи 267 дан ортиқ интерактив давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатила бошланди. Ушбу хизматлар аҳамиятини ўтган давр мобайнида фойдаланувчилар томонидан порталга 564 минг мурожаат қилинганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Таълим, банк-молия, божхона, солиқ ва суд-ҳуқуқ тизимларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши бугунги кунда юқори самара бермоқда.

Электрон ҳукумат иштирокчиларининг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик, давлат хизматларини сифатли кўрсатилишига хизмат қилувчи марказлашган маълумот базаларини тўлиқ шакллантириш, давлат органларининг ўз ишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини етарли даражада жорий қилиш, аҳоли ва тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда “ягона дарча” тамойилидан тўлиқ фойдаланишдаги муаммоларни бартараф этиш учун

“Электрон хукумат тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади давлат хизматларини кўрсатишида аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини кўзлаш, уларга кенг қулайликлар яратиш, уларнинг вақтларини тежаш, бехуда оворагарчиликлар ва ортиқча сарф-харажатларни камайтириш, давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат. Қонун электрон давлат хизматларини кўрсатишида, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида давлат органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Қонун 5 та боб ва 34 та моддадан иборат. Қонунда унинг мақсади ва вазифалари, асосий тушунчалари, электрон хукуматнинг асосий принциплари, унинг ишини ташкиллаштириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишига қўйиладиган талабларга оид нормалар белгиланган. Шунингдек, Қонунда электрон хукумат инфратузилмаси, бу соҳадаги давлат бошқаруви, давлат органларининг электрон хукумат доирасидаги ўзаро ҳамкорлигига оид муносабатлар тартибга солинган.

Электрон хукумат, давлат хизмати, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш, электрон давлат хизмати, электрон давлат хизматининг регламенти, электрон хукуматнинг ягона идентификаторлари каби тушунчалар қонунчиликка илк бор киритилмоқда ва уларга тегишли таъриф берилмоқда. Қонунда электрон хукумат тизимининг асосий принциплари мустахкамланган. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг teng равишида фойдаланиши, “ягона дарча” принципи бўйича электрон давлат хизматларини кўрсатиши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби принциплар шулар жумласидандир.

Қонунда электрон хукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш нормалари белгиланган. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасига электрон хукумат соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ушбу соҳадаги давлат дастурларини тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш вазифалари юкланган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон хукумат соҳасидаги ваколатли орган сифатида электрон хукумат принципларига мувофиқ электрон хукумат соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Давлат органларининг электрон хукумат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради. Давлат органлари эса электрон хукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этадилар, ахборот ресурслари ва тизимларини, шунингдек, электрон давлат хизматларини жорий қилиш, ривожлантириш ва интеграциялашувини таъминлайди.

Қонунга мувофиқ фойдаланувчилар давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишлари ёки уларга интерактив давлат хизматлари кўрсатилиши мумкин. Қонунда ушбу электрон давлат хизматлари турларига талаблар, улардан фойдаланиш учун сўровлар юбориш тартиби, фойдаланувчиларнинг хукуқлари белгилаб берилган.

Қонунда белгиланганидек, ахборот давлат хизмати аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган бўлиб, бунда давлат органлари ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб боради.

Интерактив давлат хизматининг жорий қилиниши эса, аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик сифатининг ошишига хизмат қиласи.

Шу билан бирга, Қонунда электрон давлат хизматларининг сифатини баҳолаш

тартиби ҳамда баҳолаш натижаларини хисобга олган ҳолда давлат органларининг электрон давлат хизматларининг сифатини ошириш чораларини қўриш учун мажбурлиги белгиланган. Бу эса давлат хизматларини кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириш принципига мос келади

Қонуннинг кўчга кириши орқали қўйидаги натижаларга эришилади:

Биринчидан, мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва ривожлантиришнинг қонуний асослари яратилиб, ушбу тизимни шакллантириш, тўлақонли ишлашини таъминлаш ва тизимли ривожлантиришга замин яратиласди;

Иккинчидан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан тақиқлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш каби вазифалар ижроси таъминланишига асос бўлади;

Учинчидан, давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, жумладан бошқарув ва маъмурий иш унумдорлиги ошиб, уларнинг жамият олдидаги хисобдорлиги, очиқлиги таъминланади. Пировардида халқнинг давлат органларига ишончи янада ортади.

Тўртинчидан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш қулайликлари ошади. Бинобарин, давлат органлари фаолиятига инновация ғоялари изчил жорий қилинади, бизнес соҳаси, хужжат айланиш механизмлари такомиллаштириласди, фуқароларга уйи ёки иш хонасидан туриб электрон шаклда мурожаат қилиш, маълумотнома ва бошқа хужжатларни олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имкониятини берадиган интерактив хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши юқорида санаб ўтилган натижалар билан биргаликда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўли билан чет эл инвесторларини жалб қилишга, халқ фаровонлигини, юрт равнациини янада оширишга, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қиласди ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Электрон ҳукумат тушунчасини тушунтириб беринг.
2. Электрон ҳукуматнинг вазифаларини санаб беринг.
3. Электрон ҳукуматнинг қандай принциплари бор?
4. Электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-хуқукий асосларига нималар киради?.
5. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуни ЎзР да қачон қабул килинган?
6. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуннинг мақсад ва вазифалари хақида гапириб беринг?

Адабиётлар ва интернет сайтлар:

1. “Электрон ҳукумат” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.
3. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/01/e-government/>

2-маъзуза. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақият ва хавф омиллари. Электрон ҳукуматнинг моделлари (2 соат)

Режа:

- 2.1. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақияти.
- 2.2. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг хавф омиллари.

Таянч иборалар: Электрон ҳукуматнинг принциплари, G2C, G2B, G2G, G2E, G2N, Интеграциялашган миллий молия ахборот тизими, Маҳаллий электрон ҳукумат ахборот тизими, Таълим ахборот тизими, Ҳукумат электрон ҳужжат алмашинуви, Бизнес жараёнларни мақбуллаштириши.

2.1. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақияти.

Электрон ҳукумат тизимининг мамлакатда муваффақиятли амалга оширилганлигини қуидаги 4 та мақсадларнинг бажарилганлиги асосида баҳо бериш мумкин:

- Онлайн ҳукумат хизмати,
- Қоғозсиз ҳукумат,
- Билимга асосланган ҳукумат,
- Шаффофф ҳукумат.

Ушбу тўртта мақсадларга эришиш учун электрон ҳукумат тизими ҳукуматнинг бир неча даражаларида ташкиллаштирилган бўлиши лозим.

Ҳукумат бошқарувининг ҳар бир даражасида бажариладиган 3 та асосий вазифалар мавжуд:

- (1) инновацион фуқаро хизматлари;
- (2) инновацион бизнес хизматлари;
- (3) инновацион ҳукумат ичидаги ишлари.


Электрон ҳукуматининг бир неча қирралари мавжуд ва фойдаланувчилар ва уларнинг ўзаро муносабатлари асосида қуидагича характерланади.

- Давлат → фуқароларга (G2C) фуқаролар тури мәълумотлар, хизматлар ва бошқа имкониятлар билан таъминланадилар.
- Давлат → бизнесга (G2B) ҳукумат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар ва

ўзаро бир қатор алоқаларни таъминлайди.


- Давлат→давлатта (G2G) давлат ичида ёки давлат идоралари ўртасидаги турли ахборотларни алмашиш ва ҳамкорликни қўллаб-куватлашни таъминлаш.

- Давлат→ходимларга (G2E) ички жараёнларини соддалаштириш ва фуқаролик хизмати, давлат ва унинг ходимлари ўртасидаги алоқа бошқарувини осонлаштириш орқали унумдорлигини оширади.



2.1-расм. Электрон ҳукумат.

Электрон ҳукуматда ҳамкорлик икки турда бўлиши мумкин: ички ва ташқи ҳамкорлик (2.2-расм). Ички ҳамкорлик давлат органлари идоралар ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади. Ташқи ҳамкорлик давлат органлари билан фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади².



2.2-расм. Электрон ҳукуматда ҳамкорлик

² e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page 43-44

Government-to-Government (G2G) модели

“Электрон ҳукумат” тизими, хусусан, унинг G2G модели тўғрисида сўз юритганда, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларининг бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш, бу органларни аҳоли ва бизнес субъектлари билан ўзаро муносабат функцияларини қўллаб-қувватловчи компьютер тизимларини яратиш тушунилади. Агар идораларда ушбу жараёнлар автоматлаштирилмаган бўлса ёки электрон ҳужжат айланиши мавжуд бўлмаса, давлатнинг ички транзакциялари амалга оширилган ва қофозсиз иш юритиш режими жорий этилган деб бўлмайди. Бу борада фақат алоҳида жорий қилинган амалиётлар, масалан, электрон почта орқали маълумот жўнатиб, қофозга чоп этиб, мансабдор шахсга қўл қўйдириш жараёни электрон ҳукумат тизимидан йироқдир.

Ахборот технологияларини жорий этиш ва ахборот ресурсларини шакллантиришдан ташқари электрон ҳукумат норматив-ҳуқуқий база қабул қилишни ҳам талаб этади. Яъни, ҳужжат электрон кўринишининг қофоздаги кўриниши билан ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга эканлиги ва у билан асосий бош ҳужжат кўринишида иш юритиш мумкинлигига асос бўла оладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар зарур бўлади. Буларга “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ва “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунларни мисол қилиш мумкин.

Муносабат ва алоқаларнинг ушбу модул ёрдамида ҳал этиладиган асосий вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат бошқарув органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумот базаларини ягона тизимга интеграциялаш;
- барча давлат тузилмаларини электрон ҳужжат айланишига ўтказиш ва уни оптималлаштириш;
- давлат қарорларини ишлаб чиқиши, узатиш ва ижросини назорат қилишни оптималлаштириш;
- ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлигини ошириш мақсадида ягона давлат порталини яратиш;
- давлат хизматчилари ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш ва уларнинг малакасини ошириш.

Government to Business (G2B) модели

Иқтисодиёт соҳасидаги давлат бошқарувининг амалдаги тизимини давлат ва бизнес тузилмаларининг умумий иши йўлида – тадбиркорлик субъектларидан ҳар бирининг, бинобарин, мамлакатнинг равнақ топиши учун уларнинг тадрижий ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмига айлантиришдан иборатdir.

Муносабатларнинг ушбу модулида қўйидагилар асосий субъект ҳисобланади: бюджет ва солиқларни тартибга солиш, давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш, тижорат фаолиятини лицензиялаш ва бошқалар.

G2B модули қўйидагиларни таъминлаши лозим:

- бизнес тузилмалари олдида турган қофозбозлик ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш;
- давлат бошқарувининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, тартибга солиш ва ҳужжатлар айланишининг рақамли технологияларини кенг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнларини ва транзакцияларни тезлаштириш, соддалаштириш ва арzonлаштириш;

- қонунлар ва бозор талабларидан келиб чиқиб, ресурсларни мақсадга йўналтириб, эркин бошқариш.

Ушбу модул вазифаларини ҳал этиш учун бизнес субъектларига қуидаги хизматларни кўрсатишни назарда тутади:

- компанияларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;
- ваколатли ташкилотлардан лойиҳа хужжатларига рухсатномалар олиш ва улар билан келишиш (экология, қурилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш);
- лицензиялар олиш ва улар муддатини узайтириш;
- юридик маслаҳатлар, қонун хужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот олиш;
- бюджеттга (даромад, фойда, қўшилган қиймат, йўл, ер солиқлари ва бошқалар) ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий корпоратив тўловларни амалга ошириш;
- бухгалтерия, молия, солиқ ва статистика ҳисоботларини расмийлаштириш ва бошқалар.

G2B хизматлари турли ижтимоий групҳо вакилларига йўналтирилган бўлиб, бу хизматларнинг асосий мақсади давлат билан боғлиқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни оптимал бошқаришдан иборат.

Government to Citizens (G2C) модули

Давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизимлари бугунги кунда кўплаб мамлакатлар аҳолиси кундалик ҳаётига тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Давлат томонидан хизмат кўрсатишда бу хизмат қайси муассаса томонидан ва қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, энг асосийси фуқароларнинг идорамайдора сарсон бўлишларига барҳам беришдан иборат. Бу хизматларга қуидагиларни назарда тутмоқ жоиз:

- солиқ декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловлар: даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳ.к.ларни амалга ошириш;
- ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар ва қарзлар олиш;
- шахсий хужжатлар – паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа хужжатларни расмийлаштириш;
- фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш, манзил ўзгарганлиги тўғрисида билдиришнома бериш;
- шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик масалаҳат бериш хизматлари;
- иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;
- соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва бошқалар);
- олий ўқув юртларига кириш тест синовлари, масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш ва бошқалар;
- даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш;
- кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни онлайн тизимида расмийлаштириш;
- турли бадаллар, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва шуларга ўхшаш бошқа хизматлар.

Электрон ҳукуматнинг фуқаролар учун йўналтирилганлигини бир муҳим жиҳати ҳукумат сайтларида фуқароларнинг мурожаатлари ахборот ёки хизматлари фойдаланишини осон бўлиши учун ва нима қидирсангиз топиш учун қурайликлар яратилмоқда. Шу муносабат билан, фуқаролар кўп давлат органлари порталларига киришни осон ва муаммосиз мулокот қилиш имконини таъминлаш мақсадида

ягона нүкта орқали кириш имкони яратилади. Ягонда хукумат портали ахборот ва хизматлар порталлари, идоралараро маълумотлар алмашинувини енгиллаштирувчи фойдали хизмат канали ҳисобланади. Бундан ташқари, ягона хукумат портали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги жуда муҳим алоқа воситасидир.

Фуқаролар билан ўзаро муносабати нүктаи назаридан ва қўрсатилаётган хизматлар кўриниши жиҳатидан электрон хукумат тизими хизматларини қўрсатиш бўйича мантиқан икки қисмга ажратилиши мумкин: офис-олди ва офис-орқаси. Электрон хукумат тизими турли хизматларни қўрсатишнинг офис-олди кўринишида хизматларни етказиб бериш, ахборот ва хизматларини етказиб берувчиларни кўриши, давлат билан фуқаро ва бизнес ўзаро муносабатларини кўриш ва бошқаришни англатади. G2B хукумат ва бизнес ўртасида турли операцияларни ўз ичига олади, G2C эса, фуқароларга ахборот тарқатишини ва давлат хизматларини етказиб беришни ўз ичига олади. АКТ асосида фаоллаштирилган G2C хизматлар хукумат томонидан ахборот алмашиш тизими ва фуқаролар учун бир-ойна онлайн портали орқали ахборот ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун имконият яратувчи иловалар орқали етказиб беради. Бундай портал фуқаролар учун қўйидаги хизматларни тақдим этиши мумкин³:

- Турли руҳсатномалар/лицензиялар ва сертификатлар бериш;
- Конун/маъмурий огоҳлантиришлар ва тегишли қонунлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш;
- Тўлов хизматлари, солиқларни қайтариш ва ижтимоий коммунал тўловлар;
- Электрон маслаҳат, электрон мухокама, электрон сайлов орқали давлат ишларида иштирок этиш имкониятларини бериш.

Фуқарога йўналтирилган портални ва жамоат маълумотларини алмашиш тизимини, жамоатни бошқариш, яшовчиларни хисобга олиш, кўчмас мулк хисоби, автомашиналарни рўйхатга олиш, солиқ ва суғурталар каби маълумотларни ўз ичига олган асосий маълумотлар базасини яратиш ва уларни бир-бирига боғлаш ишларини амалга ошириш.

Электрон G2B хизматлар корпоратив фуқаролик маъмурий ишлар, саноат ахборот таъминланиши ва турли солиқ ва давлат тўловлари учун харидлар, таклиф ва мукофотлар, тўлов хизматлар, электрон операция хизматларини ўз ичига олади. Бошқа хизматлардан фарқли, қўйидаги АКТ иловалар самарали электрон G2B хизматини етказиб бериш учун талаб этилади:

- Интеграциялашган электрон харидлар тизимида рўйхатга олиш, тендер, шартнома ва барча харидлари билан боғлиқ жараёнлар, ягона-ойна давлат харидлари тизими орқали амалга оширилади.
- Электрон божхона тизими - импорт ва экспорт жараёнларидаги божхона бошқарувини қофозсиз амалга ошириш ҳамда божхона томонидан ноқонуний хизматларни қўрсатишга қарши восита деб белгилаб берадиган тизим.
- Электрон савдо тизими товарлар ва хизматлар савдосини қўллаб-куватловчи онлайн тизим.

Офис-орти хизматлари. Асосан хукумат асосий жараёнларини, жамоатчилик учун қўринмаслиги ва бир давлатнинг ички жараёнларини ўз ичига олади.

³ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-19-20

Давлатларда электрон хукуматни амалга ошириш бир неча офис-орти тизимлари ислоҳотлари билан ҳамоҳанг равиша олиб борилиши лозим. Электрон хукуматда бундай ислоҳотлар электрон хукумат тизими муваффақиятли бўлиши учун зарур омиллар хисобланади.

Электрон G2G ички хизматларни етказиб бериш жараёнларини соддалаштириш ва самарадорликни ошириш учун хизмат қиласди. Мос равиша АҚТдан фойдаланиш орқали давлат иш жараёнлари қуидаги натижаларга эга бўлиши кутилади:

- Марказий ва маҳаллий давлат ташкилотлари хисбот тизимларининг боғланганлиги тизимнинг тўғри ва аниқ равиша сўровларни қабул қилишига олиб келади;

- Маълумотлар базасидаги маълумотларнинг аламашиши хизмат кўрсатувчи тизим самарадорлигини ошишига сабабчи бўлади;

- Давлат органлари орасидаги ғоя ва ресурсларни ўзаро ишлатиш;

- Онлайн ҳамкорлик тизими орқали қарор қабул қилишда ҳамкорлик қилиш⁴.

Давлат идораларида ҳужжат айланишини электронлаштириш ва хукуматнинг қоғозсиз амалиётлар томон ҳаракати G2Gнинг асосий ташаббуси хисобланади. Электрон ҳужжат алмашинувини киритиш маълумортларни тезроқ, кўпроқ, самарали, хавфсиз ва ишончли бошқаруви асосида амалларни бажаришга олиб келиши кутилмоқда. Қуида Корея Республикасида G2G хизматларига мисол келтириш мумкин.

Интеграциялашган миллий молия ахборот тизими: Турли давлат идораларида реал вактда бошқарилувчи молия соҳасига тегишли бўлган тизимлар бир-бирига ўзаро боғлаш орқали ташкил қилинган. Таъкидлаш жоизки аввал ушбу тизимлар алоҳида бўлган.

Маҳаллий электрон хукумат ахборот тизими: 21 та маъмурий ишларни стандартлаштириш ва ахборотлаштириш орқали 244 та маҳаллий хукумат бошқаруви тизимига хизматлар киритилган: истиқомат қилувчини рўйхатдан ўтказиш, кўчмас мулк, молия ва солиқ солиши мамлакат ва туманлар даражасида ташкил этилди.

Таълим ахборот тизими ва электрон ўрганиши: Мактаблар, таълим вилоят офицлари ва уларнинг туман идоралари, Таълим вазирлиги ва инсон ресурсларини ривожлантириш муассасалари ўртасида умуммиллий ахборот тармоғи.

Хукумат электрон ҳужжат алмашинуви: электрон қайта ишлаш, барча давлат ҳужжатларини тайёрлаш, тасдиқлаш, сақлаш ва тарқатиш.

G2G тизимлар қуидагиларни талаб қиласди:

- иш жараёнларини электрон кўринишда бажарилишини ташкил этиш;

- Электрон ҳужжатларни қайта ишлаш;

- Билимларни бошқариш тизимлари;

- Бек-офисларнинг интеграцияси.

Электрон хукуматнинг муваффақият омиллари бешта асосий гурухларга бўлинади:

Келажакни кўриши қобилияти, стратегия ва аниқ мақсадлар

Электрон хукуматни муваффақиятли амалга оширилишида аниқ мақсад ва

⁴ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-21

АКТ стратегиясига асосланиб режа тузилади. Электрон хукumatни яратища амалга ошириш босқич кўникмаларини билиш керак бўлади.

Электрон хукumat стратегиясидаги муҳим ғоя бу “яхлит ҳокимият” ёндашувидир. Бу ёндашув фуқароларнинг ва тадбиркорларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил қилинади. Яхлит ҳокимият ёндашуви фуқаро ва тадбиркорлар билан ишлашда инфратузилмага ортиқча сарф қилинадиган кераксиз инвестицияларни олдини олади⁵.

Қисқача айтганда, муваффақиятли электрон хукumat қуидагиларни талақ қилади:

- Етакчиларнинг келажакни аниқ кўриши;
- Фуқаролар томонидан кучли қўллаб-қувватлаш;
- Ресурсларга асосланган ҳолда тузилган яхши стратегия;

Қонун ва йўриқномалар

Хукumat лойиҳаларини яратища қонунчилик ёки тартибга солувчи меъёри-хуқуқий асослар талақ қилинади, чунки бир қанча йил олдин яратилган қонунлар янги электрон хизматларни тадбиқ қилишда тўғри келмайди. Электрон хужжатлар ва транзакцияларни расмий тан олиш учун қонунларни янгилаш ёки янги қонунларни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонун ва йўриқномаларни ташкил қилишда аниқ мақсадлар зарурдир, чунки аниқ режалар электрон хукumatни қўллаб қувватлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Янги лойиҳалар учун янги қонуний ўзгартириш киритишнинг режасини тузиш ҳам кўп вақтни талақ қиласди. Шунинг учун электрон хукumat муваффақиятга эришишида қуидаги қонунлар қабул қилиниши керак:

- Электрон хукumat тўғрисидаги қонун;
- Маҳфийлик ва унга доир муаммолар тўғрисидаги қонун;
- Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонун;
- Ахборот тизимлари ва бизнес жараёнлардаги ўзгаришларга доир қонун;
- Хукumat АКТ инфраструктураси ва интеграциялашган маълумотлар марказига асос солиш тўғрисидаги қонун;

Ташкилотлараро келишув

Ташкилотлараро келишув структураси маълум йўналишдаги ташкилотларга йўл кўрсатувчи механизmdir. Бу келишув жуда ҳам муҳимдир чунки хукumat билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Бу келишув ҳамкорлик ва тезкор амалга оширишни таъминлашни талақ этади.

Ташкил этувчилик характерига эга бўлган келишувни режалаштириш учун қуидагилар муҳимдир:

- Мажбуриятга асосланиб мустаҳкам ҳамкорликни химоя қилиш;
- Ахборот технологиялар бошқарувини режалаштириш ва менежментини ўзгартириш;
- Бюджетни шакллантириш ва уни амалга ошириш;
- Мувофиқлик ва ҳамкорлик;
- Мониторинг ва ишнинг сифатини баҳолаш;
- Технологияни етказиб берувчи ташкилотни бошқариш;
- Хукumat хусусий сектори ва фуқаролар ҳамкорлиги.

⁵ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-24

BPR - Бизнес жараёнларни мақбуллаштириши⁶

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифаси ҳукуматни янгидан тузиш ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, муваффақиятли электрон ҳукумат бизнес жараёнларга асосланади. Бизнес жараёнидаги инновация бу BPR (Business Process Reengineering)дир. BPR бу - ишни олиб бориш жараёни оқими ёки поғоналараро оқимини қайта ишлаб чиқиши билан жараённинг самарадорлигини ошириш тушунилади (расм 2.3).



Расм 2.3. Бизнес жараёнлари мақбуллаштирилиши методикаси

Давлат хизматларини ягона портал орқали интерактив шаклга ўтказиши баробарида хизмат кўрсатиш жараёнларини мақбуллаштириш устувор ва бирламчи вазифа ҳисобланади.

Давлат ва хўжалик хизматларини кўрсатишда инсон омили аралашувини, бюрократик тўсиқларни кескин камайтириш, меъёрий хужжатлардаги номутаноссибликларни бартараф этиш тушунилади.

Хизмат кўрсатиш муддатларини қисқартириш, нархларини арzonлаштириш ва тартиботларини соддалаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш саналади.

2.2. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг ҳавф омиллари.

Электрон ҳукуматни тадбиқ қилишида ҳавф омиллари⁷

Кўпгина мамлакатларда электрон ҳукуматни жорий этишда кутилган натижаларга эришилмаган. Электрон ҳукуматни жорий этишдаги ҳавфлар

⁶ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-25

⁷ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-26-27

фуқаролар ва хукумат томонидаги ҳавфларга бўлиниши мумкин.

Умуман олганда фуқаролар томонидаги ҳавларга қуидагилар киради:

- Рақамли тенгсизлик
- Билимлар етишмаслиги
- Фойдаланишда қулай эмаслиги
- Рағбатлантиришларнинг етишмаслиги
- Ишончнинг етишмаслиги
- Тушунмовчилик

Хукумат томонидаги ҳавфларга қуидагилар киради:

- Мураккаблик
- Вазирлик тизимларининг тўлиқ интеграция бўлмаганлиги
- Қобилият етишмовчилиги
- Инсон ресурсларининг чекланганлиги
- Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бутун дунё бўйича 35 фоиз электрон хукумат лойиҳалари муваффақиятсизликка учраган, 50 фоизи қисман ва фақатгина 15 фоизи эса тўлиқ муваффақиятга эришган. Ривожланаётган давлатларда электрон хукуматни жорий этишда муваффақиятсизликка олиб борувчи омиллар қуидагилар ҳисобланади:

- Давлат органлари билан ҳамкорликнинг етишмаслиги
- Шароитга мос бўлмаган режалар ва стратегиялар
- Малакали мутахассисларнинг етишмаслиги
- Инвестиция режасининг йўқлиги
- Янги технологиялар етишмаслиги
- Тайёргарликсиз тезкорлик билан амалга ошириш.

Электрон хукуматни тўлиқ ишга тушириш жуда мураккаб жараён, чунки янги ахборот тизимларининг тадбик қилиниши аҳоли учун янгилик ҳисобланади.

Хукумат ўзининг имконият ва тайёргарликларидан келиб чиқиб электрон хукуматни амалга ошириш режасини тузиб чиқади. Осиё давлатлари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқарув аппаратлари турли хил бўлишига қараб характерланади ва ҳар бир мамлакатнинг ўз вазиятидан келиб чиқиб турли хил ёндашувлар қабул қилиниши талаб этилади.

Электрон хукуматни амалга ошириши

Юқорида таъкидланганидек, электрон хукуматни амалга ошириш давомий жараёндир. Электрон хукуматни ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилади. Электрон хукумат бир нечта кетма-кет бўлмаган босқичлар тўплами ҳисобланиб, ошиб бораётган имкониятлар даражаси, билимлар ва инфратузилмага асосланган. Оммага маълум моделлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон Банки томонидан ишлаб чиқилган. Улар электрон хукуматни тадрижий жараён сифатида кўришади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тадқиқотига кўра электрон хукумат ўсишини аниқлашда бешта босқич мавжуд. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, электрон хукуматни амалга ошириш босқичлари хукуматнинг тайёргарлик даражаси бўлиб, асосан аниқ мақсад ва расмий веб-сайтлар орқали таъминланадиган онлайн хизматларга асосланади⁸.

⁸ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-29

1. Пайдо бўлиш: Интернетда бир нечта мустақил бўлган расмий веб-сайтлар ташкил этилади. Ахборотларнинг чекланганлиги ва асосан статик сайтлардир.

2. Кенгайтирилган: Давлат органлари веб-сайтларида маълумотлар хажмининг ошиши, ахборотлар кўпроқ динамик ҳолатда ўзгаради.

3. Интерактив: Фойдаланувчилар шаклларни юклаб олиши, интерактив хизматлардан фойдаланиши мумкин.

4. Транзакциялашган: Фойдаланувчилар хизматлар учун онлайн тарзда тўлов ва молиявий транзакцияларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

5. Ягона: Давлат органлари ахборот тизимларининг тўлиқ интеграцияси.

Жаҳон Банки электрон ҳукуматни амалга ошириш жараёнини учта босқичга бўлади. Бу босқичлар бир-бирига мутлақо боғлиқ эмас, яъни, бир босқич тугалланмасдан иккинчи босқични бошлаш мумкин.

1. Нашр этиш: Иложи борича кўпроқ оммага ҳукумат ҳақида ахборотни ва тарқатиш. Давлат порталлари электрон ҳукуматнинг асосий хизматчиси вазифасини ўтайди.

2. Интерактив: Интерактив электрон ҳукумат икки томонлама алоқани ўз ичига олади, мисол қилиб ҳукумат ишчилари учун e-mail контакт каби бошланғич функцияларни ёки сиёсий ва қонуний таклифларга доир фойдаланувчиларнинг фикр билдириши учун шароит яратиб бериш ҳисобланади.

3. Транзакция: фуқаролар ҳукумат интерактив хизматларидан фойдаланиши ҳамда онлайн тўловлар ва электрон ҳисботларни жўнатиши мумкин⁹.

Назорат саволлари:

1. Government-to-Government (G2G) - давлат бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини тушинтириб беринг.

2. Government to Business (G2B) - давлат бошқарув органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларини тушинтириб беринг.

3. Government to Citizens (G2C) - давлат бошқарув органлари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларини тушинтириб беринг.

4. Government-to-Non-profit (G2N) - давлат бошқарув органлари билан нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини тушинтириб беринг.

5. Government-to-Employee (G2E) - давлат бошқарув органлари билан унинг ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатларини тушинтириб беринг.

6. Интеграциялашган миллий молия ахборот тизимига мисоллар келтиринг.

7. Маҳаллий электрон ҳукумат ахборот тизимига мисоллар келтиринг.

8. Ҳукумат электрон хужжат алмашинуви тизимига мисоллар келтиринг.

⁹ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-29

Адабиётлар ва интернет сайтлар:

1. ЯкубовМ.С., Усмонов Ж.Т. Становление и перспективы развития электронного правительства в Республике Узбекистан. ВЕСТНИК ТашГТУ № 2. 2013г. 186-190с.
2. Зайнидинов Х.Н., Якубов М.С., Қорабоев Ж. Электрон ҳукумат //ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси. –Т.: Академия, 2013.- 175 б.
3. <https://mitc.uz/ru/pages/egovovernment/2074>

3-маъзуза. Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш: тарихи, босқичлари ва тажрибаси (2 соат).

Режа:

- 3.1. Электрон ҳукумат тарихидан.
- 3.2. Электрон ҳукуматни жорий этиш босқичлари.
- 3.3. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Жанубий Корея тажрибаси.

Таянч иборалар: Электрон ҳукумат, E-Government, Электрон ҳукуматни жорий этишининг босқичлари.

3.1. Электрон ҳукумат тарихидан.

Ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ғояси янги давлат менежменти ғояси асосида олиб борилаётган маъмурий фаолиятда реформа ўtkазиш жараёнида 1990 йилларда юзага келди. Лекин “электрон ҳукумат” ибораси кейинроқ (e-government), 1997 йили АҚШ миллий илмий фонди ташаббуси билан юзага келди. Бу ерда асосий урғу давлатнинг оммавий бошқарув органи тизимиға берилган. Янги давлат менежменти асосида электрон ҳукумат дастурини амалга ошириш жараёнида маъмурий ўзгаришлар ғояси тор маънода бўлиб қолди, оммавий бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ўз ичига олмади. Шунингдек, жамият тараққиётида янги тенденциялар глобаллашув, тармоқ тузилиши, коммуникация инқилоби, билимлар жамияти юзага келди. Янги техник воситаларни бошқарув жараёнларига тадбиқ этиш 1940 йилларнинг охири ва 1950 йиллар бошларига тўғри келди. 1951 йили тижоратда фойдаланиш учун биринчи компьютер яратилган. Маълумотларга кўра, бу “First Ferranti MARKI” ва UNIVACI ҳисобланади. Бундай компьютерлар аҳолини рўйхатга олишда ишлатилган. 1950 йилларнинг биринчи ярмидан компьютерлардан илмий ва техник соҳада, қисман тижорат ва оммавий бошқарувда фойдаланилган. 1965 йилларга келиб Конгресс сиёсати ва Президент маъмуриятида маълумотларни қайта ишлашда компьютерлардан фойдалана бошланди. Асосий эътибор электрон компьютер имкониятларидан фойдаланиб, менежмент фаолияти сарф-харажатларини камайтириш ва самарадорликни оширишга қаратилган. 1966 йилги статистик маълумотларга кўра, ўша йиллари АҚШда 2600 компьютер мавжуд бўлиб, уларда 71 минг мутахассис фаолият юритган. Компьютернинг яратилиши

бошқа технологиялар имкониятларига нисбатан күпроқ таъсир кўрсата бошлади. Компьютернинг асосий имкониятлари жумласига: инсон ва сунъий йўлдошларнинг коинотга учиши, тиббиёт олами тадқиқотларидағи ютуклар, солиқ тизимини бошқариш орқали давлат жамғармаларини ошириш, ижтимоий хавфсизликни бошқариш, мудофаа соҳасида логистик тизимни бошқариш, суғурта тўловларини тезлаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш, кам харажатли йўлларни лойиҳалаш ва инфраструктурани яратиш киради. Қонунчиликка асосан компьютерлардан давлат фаолиятида фойдаланиш уч ташкилот томонидан амалга оширила бошланди: Боз маъмурий хизмат, савдо вазирлиги ва Бюджет бюроси. 1970-80 йилларга келиб маълумотларни узатиш ва қайта ишлаш технологияси асосида коммуникацион тармоқлар юзага кела бошлади. Шахсий компьютерларнинг ва уларга мос равишда дастурий воситаларнинг яратилиши бутунжаҳон ахборот тармоғи ва Интернет юзага келишига сабаб бўлди.

Икки йўналиш – АКТнинг ривожланиши ва оммавий бошқарув модели 1990 йилларда маъмурий ислоҳотлар ўтказилишини тақозо этди. Натижада АҚШда «хукуматни янгилаш» (Reinventing government) дастури ишлаб чиқилди. Буюк Британияда 1994-96 йилларда электрон хукуматни жорий этиш стратегияси ишлаб чиқилди. 1997 йилга келиб, Британияда консерватив хукумат томонидан электрон хукумат хизматларини жорий этиш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Хукуматнинг 1999 йилга келиб лейбористлар қўлига ўтиши билан хукуматни модернизациялаш дастурига бир қатор янги foялар киритилиб, 2000 йил уни жорий этиш дастури - «Электрон хукумат»: ахборот асосида оммавий хизмат учун стратегик асос қабул қилинди. 1990 йилларга келиб, бошқа давлатлар ҳам хукуматни электронлаштириш дастурини қабул қила бошлади. 1999 йил Европа комиссияси «Электрон Европа яратиш инициативаси (ташаббуси)» дастурини ишлаб чиқди.

“Электрон хукумат” қўйидаги йўналишларда ишларни амалга оширишни кўзда тутади:

- давлат бошқарувида АКТдан фойдаланиш соҳасида стандартлар ва таклифларни шакллантириш;
- хукумат ахборот тизими интеграцияси ва АКТ асосида ташкилотлараро ахборот алмашинуви самарадорлигини таъминлаш;
- АКТ ёрдамида аҳоли ва давлат бошқарув органлари орасидаги ўзаро боғланиш самарадорлигини таъминлаш;
- давлат бошқарув органлари фаолиятида ахборот бошқарув тизимини жорий этиш;
- давлат бошқарув органлари фаолиятини таъминлаш учун намунавий дастурий-техник ечимларни топиш;
- чора-тадбирлар дастурларини амалга ошириш жараёнларини бошқариш.

Шундай қилиб, янги асрда “электрон хукумат” тизимининг яратилиши муҳим воқеа бўлиб, барча давлатларни қамраб олган. Электрон хукуматнинг назарий жиҳатлари унинг амалий тадбиқи билан бирга, ҳар бир мамлакатнинг миллий ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожланиб боришида намоён бўлмоқда.

Ахборот, дастурий ва электрон техник воситаларнинг ривожланиши давлат бошқарув жараёнлари ҳамда тузилмасига сезиларли таъсир кўрсатди. Аввалига бу қарорлар қабул қилиш жараёнида маълумотлардан фойдаланиш, йифиш ва қайта ишлаш самарадорлигини оширишда, кейинчалик барча давлат бошқарув

тизимларини ташкил этиш усуллари ва институтлари трансформациясида намоён бўлмоқда. Умуман олганда, электрон ҳукумат ривожланиши электрон бизнес ва электрон тижоратнинг ривожланиши билан характерланади. Давлат электрон воситаларига асосланиб, аҳоли ва тижорат ташкилотларига хизмат кўрсатиб келади, ҳукумат тузилмалари орасидаги ўзаро боғланишни такомиллаштиради. Бунда давлат фаолиятида умумий мақсадга эришилади:

- давлат ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик шакллари кенгаяди ҳамда мустаҳкамланади;
- ташкилот ва фуқароларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланишига эришилади;
- фаолиятнинг шароитлари ўзгаришларига тез ва самарали мослашади;
- аҳоли ва тижорат тузилмаларига хизмат кўрсатиш такомиллашади, хизмат кўрсатиш турлари ошиб, нархи пасаяд;
- давлат бошқарувида ташкилотларро муносабатларда самарадорлик ошади;
- давлат бошқарувида кадрлар самарадорлиги ошади;
- давлат бошқарувида шаффоффик даражаси ва давлат хизматчилари масъулияти ошади, хизматчилар ташаббуслари рағбатлантирилади.

3.2. Электрон ҳукуматни жорий этиш босқичлари.

АКТни давлат бошқарувида жорий этиш бир неча босқичдан иборат.

Биринчи босқич – веб порталларнинг яратилиши ҳукуматни электрон тармоқ тузилмасига чиқиши билан характерланади. Бу босқичда ҳукумат бир ёки бир неча сайтга эга бўлиб, ахборот билан таъминлаш вазифасини бажаради. Сайт орқали аҳолига ҳукумат таркиби, унинг вазирлари, агентликлари ва бошқалар ҳақида маълумот беради. Шунингдек, телефонлар, манзиллар, қабул вақтлари ва бошқалар ҳақида маълумотлар жойлаштирилади. Сайтда фуқаролар ва ташкилотлар томонидан бериб бориладиган саволларга жавоблар ҳам мунтазам равища жойлаштириб борилиши мумкин.

Иккинчи босқич – веб портал иштирокида ҳукумат сайтлари орқали фойдаланувчиларга маҳсус ва янги маълумотларни кўплаб тақдим этиш мумкин. Бу маълумотлар ҳукумат нашрлари, ҳуқуқий ҳужжатлар, янги ахборотлардан иборат бўлиши мумкин. Тармоқда ҳукумат агентликлари сони ошиб боради ва ҳар бири билан боғланиш мумкин бўлади. Электрон манзил, қидирав тизими, бирон бир изоҳ ёки таклиф юбориш имконияти юзага келади.

Учинчи босқич – интерактив веб порталлар аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга, давлат тузилмалари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг изчиллигини ҳам оширади. Миллий ҳукумат веб-сайтлари фойдаланувчини веб портал кўринишида тўғридан-тўғри вазирликлар, департамент ва агентликлар билан боғлайди. Фуқаролар ва провайдерлар хизматлари ўртасидаги ўзаро боғланиш тармоқ фойдаланувчиларига ўзларини қизиқтирган маълумотлар билан танишиш имконини беради. Фойдаланувчи маҳсус маълумотларни олиши, турли шакл ва бланкаларни тармоқ орқали тўлдириши, раҳбарлар билан битимга келишиши, электрон мажлисларда қатнашишлари мумкин. Бу ерда фойдаланувчи учун сайт хавфсизлиги ва пароли юзага келади.

Тўртинчи босқич –фойдаланувчи учун ахборот оқими веб портали тармоқ орқали ҳужжатларни олиш ва келишувларга эришишни таъминлайди. Фуқаролар визалар, паспорт, туғилганлик ёки ўлганлик ҳақида гувохнома, лицензия,

рухсатнома ва бошқа ахборот хизматларидан фойдаланади. Ҳукумат веб-сайти портал ҳисобланади, фуқароларга ҳукумат тузилмалари ва хизматига тұғридан-түғри мурожаат этишни таъминлайди. Бундай порталлар ҳукумат тузилмаси ва вазифасидан құра, асосан, ахолининг талаб ва әътиrozларини инобатта олишга қаратылған. Фуқаролар, шунингдек, солиқ ва коммунал тұловларини тармоқ орқали амалға оширишлари мумкин. Бу босқичда электрон рақамли имзодан фойдаланиш мумкин.

Бешинчи босқич – тұлық интеграллашған веб портал ҳукумат портала тармоғи орқали хизмат құrsатыш ва боғланишни таъминлайди, тармоқ фойдаланувчисига ихтиёрий хизматни ўз вақтида олишини таъминлайди.

Мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш борасида ишлар жадал олиб борилмоқда, унинг амалий тадбиқи ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий ривожланишни таъминлашга хизмат қиласы, ахолининг турмуш тарзи ўсади, халқнинг давлат бошқарувидаги иштироки изчиллиги ошади, давлат бошқарув органлари хизматчиларининг раҳбарлик фаолиятидаги масъулияты ошиб, мукаммал қарорлар қабул қилинишига еришилади.



3.1 – расм.

“Электрон ҳукумат” шаклланған давлат хизматлари турлари ҳақидаги маълумот ва хизматларни ахолига, тижорат ва давлат органлари шахобчаларига, ташкилот раҳбарларига етказади, ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиб, буюртмачи ва давлат үртасидаги ўзаро муносабатлар масофасини мумкин қадар қисқартиради.

“Электрон ҳукумат” давлат бошқарувидан электрон ҳужжат айланиши тизими ҳисобланиб, мамлакат миқёсида барча бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланған ва давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир жамият аязоси учун ижтимоий коммуникация кечикишларини қисқартиришга қаратылған. Электрон ҳукуматтинг яратилиши жамият бошқарувининг умудавлат тармоқланған ҳужжатларни бошқариш ва қайта ишлаш жараёнларига боғлиқ бир қатор масалаларни ечишга қаратылған тизимни шакллантиришни тақозо этади. Электрон ҳукумат амалдаги ҳукуматта құшимча бўлмай, балки ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида давлат хизматлари самарадорлигини оширишдан иборат.

Хозирги кунда “электрон ҳукумат” “ягона ойна” сифатида бугунги кунга

нисбатан янада долзарб бўлиши мұқаррар. Бу жараён ижтимоий тармоқларнинг жадал ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бундай технологиялар ижтимоий-сиёсий коммуникация имкониятлари даражасини янада ошириб, ҳукумат, тижорат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро интеграциянинг янги шакллари яратилишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда “электрон ҳукумат”нинг ягона концепцияси яратилган, фақат ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусият ва шароитидан келиб чиқкан ҳолда, ҳукумат фуқаролар ва тижорат соҳаси хизматчиларининг керакли маълумотларни олиб ишлатишига бўлган талаблари мажмуси яратилган. Турли даража ва тоифадаги фойдаланувчиларни ягона мақсад бирлаштиради, уларнинг қисқа вақтда, кам сарф-харажатда, энг яқин йўл орқали маълумот олиш учун самарали воситага эга бўлишлари, давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг содда, тезкор ва қулай кечишини таъминлайди.

Шундай қилиб, “электрон ҳукумат” яратишдан кўзланган мақсад:

- аҳоли ва тижоратга ҳукумат томонидан кўрсатилаётган хизматларни оптималлаштириш;
- барча сайловчиларнинг давлатни бошқариш ва раҳбарлик жараёнларидағи иштироки даражасини ошириш;
- фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишлари имкониятлари даражасини ошириш ва қувватлаш;
- фуқароларнинг савияси ва технологик таъминланганлик даражасини ошириш;
- ўзароахборот алмашинув жараёнларида географик жихатдан жойлашиш факторларига боғлиқ таъсирлар даражасини камайтириш;
- давлат бошқарувида сарф-харажатларни камайтириш, самарадорликни ошириш, рақобатбардошликтини таъминлаш ва ҳ.з.

“Электрон ҳукумат” маъмурият бошқаруви самарадорлиги ва унга боғлиқ сарф-харажатларни камайтирибина қолмай, балки жамият ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан ўзгартиради. Бу ўз навбатида демократик жамиятнинг такомиллашуви ва давлатнинг халқ олдидаги масъулиятини янада оширади.

“Электрон ҳукумат”нинг жорий этилиши давлат ва аҳоли муносабатларини мувофиқлаштиради, ҳукуматга бўлган халқ норозилигини камайтиради, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро электрон мулоқот ва келишувлар туфайли сиёсий қарама-қаршиликлар барҳам топади. Натижада, янгича барча жамият институтлари ва тузилмаларини: давлат хизматчилари, тижоратни, ташаббускор фуқароларни, таълим тизими ва тадқиқотчилик институтлари, жамоа гурухлари ва фуқаролик жамиятини боғловчи Интернетга асосланган давлат бошқаруви тузилмаси шаклланади.

Одатда, “электрон ҳукумат”ни жорий этиш жараёни уч босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқичда АҚТ воситаси давлат органлари ахборотларига ташкилот, корхона ва фуқароларнинг мурожаатини тезлаштиради, аниқ манзилини белгилайди. Бу босқични амалга ошириш учун давлат органлари ўзларининг веб-сайтларини яратадилар, уларга қонунчилик ва бошқа меёрий-ҳуқуқий хужжатлар, уларнинг керакли шакллари, статистик ва иқтисодий маълумотлар киритилади. Бу босқичнинг асосий элементи - маълумотларнинг тез янгиланиши, барча давлат ахборот ресурсларини жамловчи ва “ягона ойна орқали” мурожаатни таъминловчи

давлат веб-порталининг мавжудлиги.

Иккинчи босқичда давлат хизматлари (кўчмас мулк ва ер майдонларини рўйхатга олиш, солик деклорацияларини тўлдириш, рухсатнома олиш учун аризалар бериш) online режимида тақдим этилади. Бу босқичга ўтиш бюрократик тўсиқларга барҳам беради, мураккаб жараёнлар камаяди, бевосита ташкилот раҳбарлари билан мулоқот кескин камаяди. Бу босқичнинг амалда жорий этилиши ҳукумат органларига электрон шаклда (e-services) “ягона ойна” орқали ҳафтанинг 7 куни ва куннинг 24 соати мобайнида хизмат кўрсатади.

Учинчи босқичда давлат бошқарувининг барча босқичларида ҳукумат сиёсати ишлаб чиқишининг жараёнларида фуқаролар ва фирмаларнинг сиёсатчилар ва раҳбарлар билан интерактив муносабатлари орқали иштироки таъминланади. Бу ишлар асосан веб-форумлар орқали амалга оширилиб, қонунчилик далолатномалари ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, таклиф ва тавсиялар жамланайб, мухокама этилади.

Янги технологияларнинг жорий этилиши ҳукуматдан вақт категорияларига нисбатан жуда эътиборли бўлишни тақозо этади. Маъмурӣ органлар томонидан келажакни ўйлаб қабул қилинган қарорлар технологиянинг ривожланиши билан тезда ўзгармоқда. “Электрон ҳукумат”ни жорий этишда йўл қўйилган хатолар молиявий жиҳатдан қимматга тушади, айниқса, фуқаролар ва тижорат соҳаси ходимларининг ишончини йўқотишдан эҳтиёткор бўлишни талаб этади. Мамлакатнинг электрон ҳукуматга ўтиши ҳукуматнинг янги шароитга мослашиш қобилияти қай даражада шаклланганлигини намойиш этиш имконини беради. Рақобатли, жаҳонда юз бераётган изчил ўзгаришлар даврида электрон ҳукуматни жорий этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлардаги кечикиш мамлакат иқтисодий ривожланишида қимматга тушади.

Электрон хизматнинг кенг жорий этилиши учун уни қофоздаги жараёнлар каби тан олиниши ва қувватланиши лозим. Шунингдек, online режимида хизмат кўрсатишини муваффақиятли ривожланиши ахборотларнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашга бевосита боғлиқ.

Электрон технологиянинг шаклланиши ҳукумат фаолиятида бошқарув характери ўзгаришини тақозо этади. Ахборот жамиятида амалдагидан фарқли ўлароқ ҳукумат бошқарув органлари ваколатларидан келиб чиқсан ҳолда янги тузилма ва бошқарув тамойилларига ўтилади. Одатдаги ҳукумат билан янги электрон ҳукумат бошқарув мезонлари орасидаги фарқни келтириб ўтамиз. Амалдаги қарор қабул қилиш жараёнлари назоратда ва буйруқни бажаришга асосланган бўлса, янги усулда асосий параметр сифатида розилик ва келишув ишлатилади. Амалдаги бошқарувда асосий эътибор ҳуқуқ ва вақтга қаратилган бўлса, замонавийда мажбурланмаган меёрларга, жамоанинг таклиф ва тавсияларига, келишувларга асосланган. Амалдаги давлат ҳукумат ва парламент, тармоқли жамиятда янги бошқарув оммавий давлат шаклини: комиссия, форум, демократик ташкилий гурухларни ўз ичига олади. Аввал ахборот бошқарув учун марказлашган ва маҳфий бўлса, энди ахборот тарқалган, очиқ тармоқли бўлиб, тармоқли форум, таълим ва бошқаларни ўз ичига олади, ахборот жараёнлари эса интерфейс ва протоколлар билан боғланган.

Одатда “электрон ҳукумат”нинг учта асосий элементи ажратилади:

1. Электрон воситалар ёрдамида омманинг фикрини (фуқаролар тармоғи, овоз бериш ва бошқалар) шакллантириш ва қарорлар қабул қилишга асосланган электрон демократия ҳамда иштирок (e-democracy and participation);

2. Электрон воситалар ёрдамида ўзаро оммавий, хусусий ва оммавий институтлар ўртасидаги ҳамкорлик шакли электрон фойдаланиш тармоғи (electronic production network) ҳисобланади;

3. Фойдаланувчиларга, хусусий шахс ёки жамоага маҳаллий, ҳудудий ёки миллий портал орқали хизматни тақдим этишга асосланган оммавий электрон хизмат (electronic public services).

Ушбу элементлар у ёки бу маънода сиёсий тизимга алоқаси бор. Шунинг учун ҳам “электрон ҳукумат” сиёсий маъмурий тизимда амалга оширилаётган ўзгаришларни ўрганиш имкониятини беради.

“Электрон ҳукумат”ни икки маънода талқин қилиш мумкин: Биринчиси – янги ахборот технологиялари асосида давлат бошқарув фаолиятини такомиллаштириш маъносини англатиб, охир-оқибатда аҳолига самарали хизмат кўрсатишни таъминлайди. Иккинчиси – фақат ташкилотлараро муносабатлар характеристини янгилабгина қолмай, балки, давлат бошқарувининг жамият билан ўзаро муносабатларини тўлиқ йўлга қўяди.

Шундай қилиб, “ҳукумат электрон” воситалар ёрдамида аҳолига, бизнес-ташкилотларга самарали хизмат кўрсатади, ҳукумат тузилмалари ўртасидаги муносабатларни ҳам такомиллаштиради. Бунда қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- ҳукумат ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик шаклларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;
- фуқаролар ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига эришиш;
- иш ва бошқарув фаолияти шароитининг ўзгаришига мувофиқ равишда тез ва самарали мослашиш;
- аҳоли ва бизнес-тузилмаларга интерактив хизмат турларини кенгайтириш ва оптималлаштириш, хизмат тўловлари миқдорини мунтазам камайтириб бориш;
- давлат бошқарувида ташкилотлараро ўзаро муносабатлар самарадорлигини ошириш;
- давлат бошқарув тизимида етук мутахассислар салоҳияти ва савиясини ошириш;
- аҳолига ва бизнес-тузилмаларга хизмат кўрсатишда давлат хизматчилари масъулиятини ошириш, давлат бошқаруви фаолияти шаффоғлиги даражасини ошириш.


Иктисодий бошқариш субъекти сифатида “электрон ҳукумат”нинг вазифалари:

1. **Мақсадли** – асосий миллий иктисодий ривожланиш йўналишлари ва приоритетларини, мақсадини аниқлаш.

2. **Меъёрийлаштирувчи** – ҳукумат қонунчилик, меъёрий - ҳуқуқий базаларига асосланиб, иктисодиёт субъектлари учун фаолият қоидаларини белгилайди, фаолият доираси ҳукуқларини аниқлайди.

3. **Мувофиқлаштирувчи** – жамиятнинг яшаш шароитини ижтимоий - иктисодий жиҳатдан мўътадиллигини таъминлаш ва салбий оқибатларга олиб келишини бартараф этиш, такомиллашув жараёнларини ривожлантириш мақсадида иктисодда ресурсларни тақсимлаш.

4. **Ижтимоий** – ҳукумат томонидан ижтимоий - иктисодий муносабатларни мувофиқлаштириш, фойдани тақсимлаш, ижтимоий ҳимояни, ижтимоий ҳуқуқ ва кафолатни таъминлаш.



3.2.-расм.Электрон хукумат структураси.

5. **Бозор сектори бўлмаган иқтисодий бошқариш** - иқтисоднинг давлат секторини мувофиқлаштириш, ижтимоий жамият маҳсулотлари ва хизматларини яратиш.

6. **Рағбатлантирувчи** – фаолият юритувчи хўжалик субъектларига самарали таъсир кўрсатиш ва жамият йўналишлари учун маъқул бўлган иқтисодий жараёнларни рағбатлантириш.

7. **Назорат қилувчи** – давлат назорати ва қонунлар меъёрий - хукукий хужжатлар, белгиланган иқтисодий, экологик ва ижтимоий стандартлар ижросини назорат қилиш.

“Электрон хукумат”да иқтисодий вазифаларнинг бажарилиши бюджет, молиявий-кредит, тузулмавий, инвестицион, баҳолаш, ижтимоий, ташқи иқтисодий ва бошқа ижтимоий-иктисодий сиёsat йўналишлари механизмларини яратиш орқали амалга оширилади.

Давлат бошқарув қарорларининг ижросини таъминлашда салбий таъсир кўрсатувчи омиллар тўрт гурухга бўлинади:

1. Ахборотнинг чекланганлиги.
2. Хукуматнинг қабул қилган бошқарув қарорларига жамият муносабатини тўлиқ назорат қила олмаслиги. (Жамиятнинг қизиқиши эҳтиёjlари ва имкониятларини инобатга олмаган ҳолда бир томонлама бошқарув қарорлари қабул қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин).

3. Сиёсий жараёнларнинг такомиллашмаганлиги (сайловчилар таъсирида, ижтимоий гурух қизиқиши, айрим давлат органлари томонидан нотўғри сиёсат юритиш ва бошқарувнинг мувофиқ усулларини қўлламаслик ҳолатлари ва ҳоказо.

4. Давлат аппаратини назорат қилишнинг чекланганлиги (бошқарув ходимлари сонини ошириб юбориш, бюджет сарф-харажатининг ошиб кетиши).

Иқтисодий қарорлар қабул қилишда бозор ва ҳукумат камчиликларининг таъсири натижасини таққослаган ҳолда давлат бошқарувининг оптималь шакли ва чегараларини аниқлаш мумкин.

Одатда, давлат бошқарувининг тўртта модели амалда кенг тадбиқ этилади.

1. **Америка модели.** Либераллашган миллий иқтисодни бошқариш тизимида иқтисодий жараёнларда бозор муносабатларини мувофиқлаштиришга асосий эътибор қаратилади. Давлат бошқарувида ҳуқуқий базалардан фойдаланиш усулига асосланиб, жамиятнинг ривожланиши учун қулай шароит яратишига қаратилади. Америка моделида жамият ва иқтисодни бошқаришда ҳукуматнинг аралашуви жуда кам. Бу ўз самарасини бермоқда. Олимларнинг таъкидлашларича, демократик давлат бошқаруви жамият ва иқтисодни динамик равища ривожланишини таъминламоқда.

2. **Япон модели.** Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини иқтисодий ва шаклланмаган давлат бошқарув турли усулларидан фойдаланиб, марказий мувофиқлаштириш. Япония иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусияти бозор муносабатларини шакллантириш механизми асосида давлат корпоратив тузилмаси ётади. Бунда жамоанинг дунёқараши, ҳамжиҳатлилиги, шахснинг қизиқиши, жамоа ва давлат сиёсатига тобелиги асосий мезон ҳисобланади.

3. **Немис модели.** Миллий иқтисодий-ижтимоий бошқарув тизими асосида бозор муносабатлари (асосан рақобат) ва давлат даражасида фуқароларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш ётади.

4. **Швед модели.** Давлат ижтимоий-иқтисодий бошқарувида ҳукуматнинг бевосита иштирок этиши асосий ҳолат ҳисобланади. Бунда асосий фактор тенглик ва ҳамжиҳатлилик ҳисобланади, ҳалқни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш, миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида ҳукуматнинг бевосита иштирок этиши кўзда тутилади.

3.3. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Жанубий Корея тажрибаси.

Жанубий Корея электрон ҳукуматни ривожлантиришда улкан муваффақиятга эришган давлат ҳисобланади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукумат институтларининг ҳамда аҳолининг давлат бошқарувидаги электрон иштирокининг ривожланганлик даражаси бўйича рейтингида биринчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам унинг тажрибаси сўнгти йилларда кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Жанубий Кореяда электрон ҳукуматни шакллантириш бўйича ташаббус 2001-йилда юридик кучга эга бўлди. Мамлакатда электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастур ҳукумат органларининг ишида самардорликни оширишга қаратилган бўлиб, у уч босқичда амалга оширилиши лозим бўлган.

Биринчи босқичда (2001-2003) комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг натижасида Кореянинг ҳукумат органлари ташки дунё билан

Интернет орқали учта асосий йўналишда-G2C (давлатдан-фуқарога), G2B (давлатдан-бизнесга) ва G2G (давлатдан-давлатга) схемалари бўйича алоқа қила бошлади.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви тизимида идоралараро электрон алоқаларни таъминлашга қаратилган ахборот-технологик архитектура ҳам ишлаб чиқилган. Унда, хусусан, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо ва бошқа технологиялар фаол қўлланилган. Умумий ҳисобда, биринчи босқич учун жами 225 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Натижада, Корея рақамли имкониятлар индекси бўйича жаҳонда 4-ўринга кўтарилиб олди.

Иккинчи босқичда (2003-2007) Корея ҳукумати ўз олдига анча катта мақсадни қўйган - дунё давлатлари ичida нисбатан очиқ ва шаффоф электрон ҳукуматни шакллантириш. Кореянинг “Электрон ҳукумат қуришнинг миллий асослари ва тамойиллари” номли дастурига мувофиқ тўртта соҳага оид лойиҳалар ишга туширилган:

- давлат бошқаруви органларининг фаолият кўрсатиши
- давлат хизматларини кўрсатиши
- ахборот ресурсларини бошқариши
- қонун ижодкорлиги тизими

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 981 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланган. Натижалар кутилганидан ҳам аъло даражада бўлган.

2007-йилга келиб Кореяда марказий бошқарув органларининг 55 фоизида давлат аппаратининг 96,6 фоиз ходимлари ахборотларни қайта ишлашнинг миллий электрон тизими- “Он-Нара” (корейсча, онлайн-мамлакат) тизимидан фойдаланишга ўтган. Бунинг натижаси ўлароқ, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30-44 кундан 7-13 кунгача қисқарган.

Давлат тузилмаларида маълумотларни қайта ишлашнинг инновацион тизими - “Он-Нара” 2007-йилдан тўлиқ ишга тушган бўлиб, унинг олдига қуидаги мақсадлар қўйилган:

- маълумотларни қайта ишлаш ва алмашиб доирасида барча бошқарув жараёнларини стандартлаштириш;
- давлат органларининг марказлашмаган операцияларини бошқаришни ягона тизимга солиш;
- тизим иштирокчилари ўртасида ахборотларни алмашиб ва тарқатишни таъминловчи турли жараёнларни ўзаро боғлаш ва бир-бирига интеграция қилиш.

2008-йилдан учинчи босқич бошланган. Бу босқичда асосий эътибор барча мавжуд тизимлар ва турли даражадаги электрон ҳукуматлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларни бир-бирига интеграциясини таъминлашга қаратилган. Бу фуқароларга ва компанияларга комплекс давлат хизматларини тақдим қилиш имконини беради.

Ушбу босқичда Корея Республикаси бошқа давлатларга (жумладан, Эквадор, Индонезия, Бангладеш, Шри-Ланка, Мали) электрон ҳукуматни шакллантириш учун технологик ечимларни етказиб бериш бўйича шартнома ҳам тузган. Бунгача, 2004-йилдан бошлаб Жанубий Кореяда электрон ҳукумат учун ишлаб чиқилган технологияларни импорт қилувчи асосий давлат Япония бўлган.

Жанубий Корея ҳукумати турли соҳаларда ахборот технологияларни қўллаш борасида илғор давлатлар қаторига киради. Мамлакатда, бир сўз билан айтганда, божхона ишидан тортиб то интеллектуал мулк масалаларигача

автоматлаштирилган тизимга ўтган. Шунинг учун ҳам у ҳозирда дунёда электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича биринчи ўринда туради.

Назорат саволлари:

1. Электрон ҳукумат тизимини жорий этишнинг биринчи босқичи нима билан изоҳланади?
2. Электрон ҳукумат тизимини жорий этишнинг иккинчи босқичи нима билан изоҳланади?
3. Электрон ҳукумат тизимини жорий этишнинг учинчи босқичи нима билан изоҳланади?
4. Электрон ҳукумат тизимини жорий этишнинг тўртинчи босқичи нима билан изоҳланади?
5. Ягона ойнага таъриф беринг.
6. Электрон ҳукуматнинг 3 та асосий элементларини тушинтириб беринг.

Адабиётлар ва интернет сайтлар:

1. ЯкубовМ.С., Усмонов Ж.Т. Становление и перспективы развития электронного правительства в Республике Узбекистан. ВЕСТНИК ТашГТУ № 2. 2013г. 186-190с.
2. Зайнидинов Х.Н., Якубов М.С., Қорабоев Ж. Электрон ҳукумат //ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. –Т.: Академия, 2013.- 175 б.
3. Жанубий Кореяning электрон ҳукумати. <https://digital.report/e-government-v-respublike-koreya-etapyi-razvitiya-poleznyiy-opyit-dlya-uspeshnogo-vnedreniya-v-belarusi/>
4. Электронное правительство Республики Корея: опыт и история создания. <http://d-russia.ru/elektronnoe-pravitelstvo-respubliki-koreya-istoriya-i-opyt-sozdaniya.html>

IV БҮЛІМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот.

**Ўзбекистон Республикаси ягона давлат хизматлари порталлари билан ишлаш
(4 соат).**

Ишдан мақсад: Ягона интерактив давлат хизматлари порталини амалда қўллаш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш. Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталини таҳлил қилиш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, коммунал хизматларини ягона ойна кўринишида интерактив хизматларни ўрганишга бағишланган.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи [my.gov.uz](#) портали, яъни Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан ID.uz ягона идентификация тизим орқали рўйхатдан ўтиши керак бўлади ҳамда интерактив хизматлар орқали давлат ташкилотига мурожаат этиши лозим. Тингловчи [e-kommunal.uz](#), яъни Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталидан ID.uz ягона идентификация тизим орқали рўйхатдан ўтиши керак бўлади ҳамда электрон хисоблагичларни профилга киритиб онлайн тўловни амалга ошириши лозим.

Ишни бажариш учун намуна

1.1. Ягона портал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари қўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сон қарори аосида ташкил этилган ҳамда мазкур Қарор билан қабул қилинган Низомга кўра фаолият юритади.

[my.gov.uz](#) – Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) 2013 йилнинг 1 июль куни ишга туширилган бўлиб, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида, шу жумладан «ягона дарча» режимида фаолият қўрсатади.

Ягона портал давлат органлари томонидан қўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда қўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мақсади фуқароларга интерактив давлат хизматларин қўрсатишdir. У ягона ойна режимида фаолият қўрсатади. Ягона портал замонавий технология ёрдамида фойдаланувчининг интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш имконият- ларини кенгайтириш учун мўлжалланган.

Унинг вазифалари:

- фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожат қилиш учун имконият бериш;
- фойдаланувчиларни АКТ соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш;
- фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- давлат органларига мурожаат қилинганда, фойдаланувчилар учун

бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва уларни бартараф этиш;

• “Электрон ҳукумат”ни янада ривожлантириш ва давлат бошқарувига замонавий АКТ ни жорий этишда кўмаклашиш.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали 2013 йил 1 июлда ишга туширилди. У қуйидаги имкониятларга эга:

- давлат ташкилотлари ва хизматларига оид маълумотлардан фойдаланиш;
- давлат хизматидан фойдаланиш учун электрон шаклдаги сўровларни ва бошқа хужжатларни тўлдириш имконияти;
- давлат хизматидан фойдаланиш учун сўров (ариза) юбориш;
- сўровларни ихтиёрий пайтда ва манзилдан юбориш;
- сўров қабул қилиниши учун навбатда туриш зарурати бўлмайди;
- сўровни юборувчи аризасининг бажарилишига оид маълумотлардан ихтиёрий пайтда хабардор бўлиш имконияти;
- давлат хизматлари берилиши ҳақидаги сўровни бериш;
- давлат хизмати сўрови натижаларини олиш имконияти.

The screenshot shows the homepage of the Yagona interactive government services portal. At the top, there are language links: O'zbekcha | Русский | English. Below that is a navigation bar with icons for Xabarnoma, Tanlangan xizmatlar, Foydalanuvchi kabinet, and Chiqish. The main title is "Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali". A search bar contains the placeholder "Izlash...". Below the search bar are two buttons: "Xizmatlar bo'yicha" and "Tashkilotlar bo'yicha". A sidebar on the right provides contact information: "Davlat tashkilotiga murojaat yuborish", "Davlat organi rahbariyati qabuliga yozilish", "Call-center: 1060 yoki (0800) 200-18-18", and "TJKK masalalari bo'yicha murojaat (Call-center 1095)". The main content area features a grid of service categories: Vazirliklar, Davlat qo'mitalari, Davlat inspeksiyalari, Agentliklar; Qo'mitalar, Mahalliy davlat hokimiyati organlari, Markazlar, Assotsiatsiya va konsernlar; Banklar, Kompaniyalar, Birlashmalar, Fondlar; and Markaziy tashkilotlar, Boshqalar. A green button labeled "yangilik" is located above the third row of categories.

1-расм. Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

Шунингдек, Ягона портал орқали 120 дан ортиқ давлат органларига бевосита электрон тарзда мурожаат қилиш имконияти яратилган ва бу органлар рўйхати вақт ўтиши билан кенгайиб бормоқда.

Ягона портал орқали кўплаб фойдали ва зарур маълумотлар ҳам бериб борилади. Масалан, мазкур порталдан нотариал ҳаракатларнинг турлари ва бундай ҳаракатларга тўланадиган давлат божлари (1), Ички ишлар органларининг Киришчиқиши ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан кўриб чиқиладиган ҳукуқбузарликлар ва улар учун кўйиладиган жарималар микдори (2), Йўл ҳаракати қоидаси бузилиши юзасидан белгиланадиган жарималар микдори (3), Давлат ўрмон фондидан ташқари, дарахтлар ва буталарни кесиш учун тўланадиган тўловлар микдори ва яшил ўсимликларга етказилган зарар ва уларни ўзбошимчалик билан кесганлик учун жарима микдорлари (4) билан танишиш мумкин.

Davlat yo'l harakati xavfsizligi organlari tomonidan yo'l qoidasi buzilishi yuzasidan belgilanadigan jarima miqdori bo'yicha ma'lumot

O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi Kodeksi moddalarini	Huquqbazarlik turi	Eng kam ish haqining miqdorida jarima qiymati	Transport vositasini boshqarish huquqidan mahrum qilish muddati	Jarima miqdori
125-modda. Transport vositalaridan foydalanan qoidalarni buzish				
Мурожаат бўлимида мурожаат формасини тўлдирилади, зарур ҳолларда эса унга қўшимча файлларни қўшиш имконияти мавжуд. Сўнгра фойдаланувчи томонидан танланган соҳа ва тоифага қараб, тизим унинг мурожаатини тегишли давлат органига жўнатади.

The screenshot shows two payment slips from the e-kommunal website. The top slip is for Tashkent (TASHKENT SHAXAR HAMROH HAMOQ KORXONASI) and the bottom one is for Tula (TULOVSHIY NOMALI). Both slips show bill details, payment history, and a summary table.

ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ ТАЛАНЛАРИН ХАРДИНЧИ КУНЧАЛАР ГУМШАУЧИЛАНДИ	Сумма	Баланс
При начислении	сумма	ес.700,00
При без тариф.	сумма	72 840,00
При с тарифом	сумма	72 840,00
При с тарифом	сумма	60 700,00
При без тариф.	сумма	72 840,00
При с тарифом	сумма	72 840,00
Итого:	сумма	13 912,73
Итог баланса:	сумма	20 287,40

24-расм. Тўлов варақаси.

Тўлов варақаси хизматида танланган коммунал тури бўйича тўлов варақа хосил бўлади, тўлов варақа тўлдирилиб, чоп этиш имконияти хам мавжуддир.

Амалий бажариш учун вазифалар:

1. Интерактив хизматларни ўрганиш.
2. ID.uz ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтинг.
3. Интерактив хизматлардан фойдаланиб давлат ташкилотларига мурожаат юборишни ўрганинг.
4. Профил бўлиминизни шакллантиринг.
5. Коммунал хизматлардан фойдаланилиб, маълумот олинг.
6. Коммунал хизматларни онлайн тўлашда хизматлар кетма-кетлигини қараб чиқинг.
7. Вижет бўлимини шакллантиринг.

Адабиётлар ва интернет сайтлар:

1. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.

3. <http://www.e-kommunal.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>

2-амалий машғулот.

Электрон ҳуқумат интерактив хизмат тизимларидан фойдаланиши. (4 соат).

Ишдан мақсад: Электрон ҳуқуматнинг интерактив хизматларини амалда қўллаш. Уларнинг ресурслари билан танишиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи интерактив хизматлар орқали давлат ташкилотларининг ресурслари билан танишади ва улардан фойдаланишга ўрганади.

Назарий маълумотлар.

Электрон ҳуқумат интерактив хизматлари турлари.

“Электрон ҳуқумат” – давлат бошқарувининг электрон ҳужжат айланиши тизими мамлакат миқёсидаги бошқарув жараёнларининг барчасини автоматлаштиришга асосланган, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ҳамда жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникация харажатларини камайтириш мақсадига хизмат қилади.

Интерактивлик - техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари билан фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқот. Демак, компьютер дастурлари шундай яратилганки, биз у ёрдамида компьютер билан мулоқот ўрнатамиз.

Интерактивлик мулоқот тизимини ташкил этиш билан боғлик. Ушбу тушунча ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

“Интерактив хизмат” тушунчаси. Интерактивлик орқали фойдаланувчи учун моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахборий ва ишлаб чиқаришнинг турли манбаларидан қўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат кўрсатилган.

Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари. Ҳозирги вақтда, мамлакатимизда интерактив хизматлар ташкил этиш, шакллантириш ва уларни бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Интерактив хизматлар ташкил этишининг энг тез ва қулайхши йўли - Интернет тармоқлари орқали амалга оширишdir.

Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турларига қўйидагилар киради:

Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш жадвали. Республикадаги транспорт воситалари ҳаракатларининг жадвали бир нечта сайтларда берилган. Фойдаланувчи сайтдан транспорт воситалари қатнови жадваллари орқали ўзига керакли маълумотларни олади. Қуйида ушбу веб-саҳифалар келтирилган:

<http://www.orexca.com> – сайёҳлар учун мўлжалланган веб саҳифа;

Google электронное правительство Ю... ОrexCA.com - туроператор по... +

orexca.com/rus/index.htm

OrexCA СТРАНЫ ТУРЫ Планировать Тур

ENG РУС

Исследуй Великий Шёлковый путь

Центральная Азия & Кавказ

Бюджетные туры по Центральной Азии и Кавказу

Туристическая компания OrexCA рада представить вам путеводитель по странам Центральной Азии и Кавказа. Здесь вы можете выбрать и заказать индивидуальные и групповые туры в Узбекистан, Казахстан, Киргизию.

Главная задача OrexCA – обеспечить качественный сервис по доступным ценам. Экскурсионные туры, бронирование лучших гостиниц, транспортные и другие туристические услуги – всё это возможно.

Windows Total Commander... OrexCA.com - тур... ZX глоссарий - Mi... ZX мызурап+ - ZX практика - Mic... 7:36 06.07.2020

Авиарейслар жадвали. Авиарейслари бўйича маълумотлар олиш учун <http://uzairways.com> – “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси веб-саҳифасига мурожат қилинади. Сайтда халқаро ва Ўзбекистон миқёсидаги авиақатнов жадваллари берилган.

Google электронное правительство Ю... "Uzbekistan airways" AJ korporasiya... +

uzairways.com/uz

Muhim ma'lumot Xarid qilish va boshqarish Sadogatlik dasturi Biz haqimizda

UZBEKISTAN airways

Savol va javoblar Xarid qilishdan oldin Uchishdan oldin Aeroportda Kema sahnida

Parvozlar xaritasi Parvozlar xaritasi Aviasiya xavfsizlik Biroylar class

Maxsus takliflar Maxsus takliflar O'zbekiston Respublikasi bo'yona qoldalar Bo'yicha chelkolvarga ega marmakotlar ro'yisti

Tashvishitimi shartlari Migratsiya qoldarasi «Buxoro» xalqaro aeroporti Yuqori qulaylikka ega zali

Yolovchi tashish qoldalar Tarifanni qo'llash qoldarasi va bep bag'ib olib ketish me yordari Migratsiya qoldarasi «Navoiy» xalqaro aeroporti Yuqori qulaylikka ega zali

Yuk bo'yicha chelkolvarga ega marmakotlar ro'yisti Mahsulotlarni olib kirish «Fergana» xalqaro aeroporti Yuqori qulaylikka ega zali

Kop beriladigan savollar bo'yicha chelkolvarga ega marmakotlar ro'yisti «Toshkent» xalqaro aeroporti Yuqori qulaylikka ega zali

Qoshimcha xizmatlar: Premium bep Joyli tarish Bording Wi-Fi Flight tracking Cargo tracking Yopish


Ko'natlayotgan xizmatoni yechishish maydonida bir sozdagi cookie-faylidan foydalanomiz. Shuda qolishingiz, maxfiy slisosni va shaxsiy ma'lumotlardan foydalanan shartlarini qabul qilguningizni anglatadi.

https://www.uzairways.com/uz/muhim-malumot


Windows Total Commander... "Uzbekistan airways" AJ korporasiya... ZX глоссарий - Mi... ZX мызурап+ - ZX практика - Mic... 7:31 06.07.2020

Темир йўл транспорти қатнови жадвали. Республика ички ва ташқи темир йўл қатновлари жадваллари ва улар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан топиш мумкин:


uzrailpass.uz - темир йўл транспорт қатнови жадвали.



Банк хизмати маълумотлари ва валюта курслари. Ўзбекистондаги барча банклар ҳақида маълумотлар ва янгиликларни, қуйидаги сайтлардан олиш мумкин: www.bank.uz



www.mikrokreditbank.uz



[www.agrobank.uz;](http://www.agrobank.uz)
[www.asakabank.com;](http://www.asakabank.com)
[www.new.nbu.com;](http://www.new.nbu.com)
[www.uzpsb.uz;](http://www.uzpsb.uz)
[www.infinbank.com;](http://www.infinbank.com)
[www.xb.uz;](http://www.xb.uz)
[www.ipotekabank.uz;](http://www.ipotekabank.uz)
www.csb.uz

Об-хаво маълумотлари. Барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда дунё мамлакатларидаги об-хаво ҳақидаги маълумотларни қуидаги, веб-саҳифалардан олишмумкин:

ob-havo.uz

Kun	Harorat	Tavaff	Yog'ingarchilik
Ertaga 7 iyul	+37° +21°	ochiq havo	1%
Chorshanba 8 iyul	+38° +22°	joylarda bulutli	4%
Payshanba 9 iyul	+37° +21°	ochiq havo	7%

www.meteoprog.uz


The screenshot shows the homepage of the meteoprog.uz website. At the top, there is a permission dialog box asking for location access. Below it, the header includes the site's name and navigation links like 'РЕКИСТАН' (REKISTAN), 'Почасовая погода в Ташкенте' (Hourly weather in Tashkent), 'Погода в Ташкенте на 10 дней' (Weather in Tashkent for 10 days), and 'Погода в Ташкенте на неделю' (Weather in Tashkent for a week). A weather summary for Tashkent shows current conditions: +22°C (feels like +24°C), humidity 33%, 0 mm rain, 0.2 m/s wind, and UV index 0. The forecast for the next few days shows temperatures rising from +21°C to +32°C. Below the summary is a cartoon character representing the weather. Further down, there is a graph showing temperature fluctuations over time. The bottom of the screen shows the Windows taskbar with various open applications.

Янгиликлар. Ўзбекистонга оид янгиликларни uza.uz, gov.uz веб-сайтлари орқали олиш мумкин.


The screenshot shows the homepage of the uza.uz website. The top banner features a lottery draw with the number 218 098 125 and the date 19.07.2020. It also includes logos for Sharqona lotto, JACKPOT, XalqBanki, and the National Lottery Center. The main headline reads 'Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги' (Uzbekistan National News Agency). Below the banner, there is a news feed with several articles. One article features a photo of a sign at a border crossing. Another article discusses the president of Belarus visiting Uzbekistan. The bottom of the screen shows the Windows taskbar with various open applications.

Теле ва радиоэшиттириш дастурлари. Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси маълумотлари ва теледастурлар жадвалини ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни қуидаги веб-саҳифадан олиш мумкин.

www.mtrk.uz



Иш ўринлари биржалари. Республика доирасида бўш иш ўринлари топиш, аниқлаш ва мулоқот ўрнатиш қуидаги веб-саҳифалар орқали амалга оширилади. www.myjob.uz сайтидан иш ўринлари ҳақидаги маълумотларн, шунингдек, ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни жўнатишингиз ва жавоб олишингиз мумкин.



Спорт янгиликлари. Республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақалари,

уларга оид барча маълумотларни:

www.uff.uz

№	Жамоа	Ўйин	Очко
1	Пахтакор	6	15
2	АГМК	6	14
3	Қўқон-1912	6	12
4	Насаф	6	12
5	Бунёдкор	6	12
6	Навбахор	6	11
7	Металлург	6	10

www.uff.uz

индонезийский	русский
Google Translate	

Давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар.

Интерактив давлат хизмати – идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда идоралар томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

Интерактив давлат хизмати қуидаги шаклларда кўрсатилади:

- умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) - тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан, Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш;
- бир томонлама ўзаро ҳамкорлик - электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;
- икки томонлама ахборот айирбошлиш - сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буортманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш);
- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш.

Бугунги кунда аҳолига давлат органларининг веб-сайтлари орқали интерактив давлат хизматлари асосида **500**дан ортиқ турдаги интерактив хизматлар кўрсатилмоқда.

Куидаги веб-саҳифалардан Давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи органлар веб-саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарларни олиш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари «электрон хукумат» тизимини фаол жорий қилмоқда. Бу давлат тузилмаларини бошқаришга, давлат ва тадбиркорлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда бизнес жараёнларни самарали ривожлантиришга, шунингдек, фуқароларга Интернет тармоғи орқали очиқ интерактив давлат хизматларини кўрсатишга ёрдам беради.

Бугунги кунда «электрон хукумат»нинг самарали элементлари сифатида 20 дан ортиқ лойиха амалга оширилмоқда. Улар қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Хукумат портали – gov.uz бўлиб, ташкилотлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида электрон-ахборот ҳамкорлик инфратузилмасининг тизим ҳосил қилувчи элементи ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро ёки корхона, ташкилот, муассаса вакили Ўзбекистондаги давлат ҳокимиятининг барча элементлари юзасидан тўлиқ ахборотни олиши мумкин, шунингдек, ҳокимиятнинг у ёки бу органига gov.uz портали орқали электрон шаклда расмий сўров юбориши мумкин. Мазкур порталда Асосий интерактив давлат хизматларининг тўлиқ рўйхати чоп этилган.

[«E-Kommunal.uz»](#) портали уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасидаги умумий ахборот инфратузилмаси бўлиб, аҳоли, назорат қилувчи органлар ва уй-жой мулқорларининг ширкатлари, шунингдек, коммунал хизматлар ўртасида ахборот алмашишни осонлаштиради. Мазкур порталда Ўзбекистондаги уй-жой ва коммунал хўжалигининг барча масалаларига доир ахборот, шунингдек тарифлар тўғрисида маълумот берилган ҳатто, барча коммунал хизматларнинг интерактив калькулятори қулай шаклда жойлаштирилган. Хоҳловчилар порталда коммунал хўжалиги муаммоларига оид хабар, фотосуратларни жойлаштиришлари мумкин, давлат ҳокимияти тегишли органлари томонидан кўриб чиқилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари қўлланилади.

• [stat.uz, soliq.uz](#) тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклдаги статистик, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларини тўплаш ва ишлов беришни автоматлаштириш тизими. Давлат солиқ қўмитаси сайтида ҳар бир солиқ тўловчи ҳам юридик, ҳам жисмоний шахс сифатида электрон шаклда хизматларнинг тўлиқ

рўйхатини олиши, солиқ ҳисоботи ёки даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши ёхуд ўзининг солиқ тўловчи идентификация рақамини (ИНН) олиши мумкин.

Статистика давлат қўмитасининг сайти орқали ҳар қандай тадбиркорлик субъекти электрон шаклда статистик ҳисботни топшириши мумкин, янги фирма ташкил этаётганда ҳар бир фуқаро фирма номини резерв қилишнинг электрон тизимидан фойдаланиш имкониятига эга. Ҳозир давлат статистик ҳисботининг 101 та шакли (141 та амалдаги шаклдан) Интернет тармоғи орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, 103 мингдан ортиқ фирма номлари электрон шаклда резерв қилинган.

Ўзбекистон қонунчилик миллий базаси ([lex.uz](#)) 25 мингдан ортиқ норматив хужжатни барча учун очиқ тарзда ўз ичига олган. Lex.Uz миллий тизимининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахслар учун норматив-хуқуқий хужжатларга кенг киришни таъминлаш йўли билан ахолининг хуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни хуқуқий ахборот билан таъминлаш ишларини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мустақилликка эришилгандан сўнг ҳозиргача қабул қилинган қонунлар, кодекслари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқуқий хужжатлари ҳамда бошқа хужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилган. Шуни таъкидлаш лозимки, Lex.Uz миллий базаси Интернет тармоғи орқали норматив-хуқуқий хужжатларга бепул киришни таъминловчи Ўзбекистондаги ягона ахборот-хуқуқий тизим ҳисобланади.

- [uzbekenergo.uz](#) - ҳар бир электр энергияси истеъмолчилари ўзларининг шахсий маълумотларига киришларини таъминловчи алоҳида хона. Ҳар қандай корхона, ташкилот ёки оила электр энергияси истеъмолчиси ҳисобланади. Мазкур лойиҳа мамлакатдаги барча истеъмолчиларнинг электр энергиясидан фойдаланиш ҳисобини қулай интерактив шаклда назорат қилиш имконини беради.

- [evisa.mfa.uz](#) - чет эл фуқаролари учун Ўзбекистонга виза олишни расмийлаштириш онлайн-анкета. Тизим Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтининг бир қисми бўлиб, ҳозирда алоҳида веб-саҳифа сифатида ўзбек, инглиз ва рус тилларида ишламоқда, келажакда бошқа тилларда ҳам ишлаши мумкин. Ўзбекистон - eVisa тизимини жорий этган дунёдаги тўққизинчи мамлакат. Бу мамлакатимизнинг туристик ва бизнес салоҳиятини оширади.

- [license.uz](#) - амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати ва лицензия ҳамда рухсатнома олишнинг тартиб-таомиллари, талаб этиладиган хужжатлар ва бошқа масалалар тўғрисида ахборот олиш имконини берадиган лицензиатнинг ягона портали. Ўзбекистонда лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари доимо қисқаради ва уларни олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилади. Мазкур лойиҳа ахборот ва зарур лицензияларни олишда ортиқча расмиятчиликни камайтиришга ёрдам беради.

Амалий бажариш учун вазифалар:

1. Интерактив хизматларни қараб чиқинг.
2. Интерактив хизматлардан фойдаланиб хар-хил ташкилотларининг сайлариға кириб, маълумотларни ўрганинг.
3. Спорт, телевидение, об-ҳаво ва бошқа хизматлардан фойдаланиланиб, энг янги ва долзарб маълумотларни олинг.

Адабиётлар ва интернет сайтлар:

1. “Электрон хукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадибрлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.
3. <http://www.my.gov.uz>
4. evisa.mfa.uz
5. license.uz
6. lex.uz
7. stat.uz
8. www.uff.uz

В БҮЛІМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс.

БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш департаменти ҳар икки йилда бир марта 193 аъзо мамлакатлар ичидаги электрон ҳукумат ривожланиш индекси рейтингини баҳолаш мақсадида сурор ўтказади. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги мамлакатдаги қарор қабул қилувчи шахслар учун кучли ва кучсиз томонларини аниқлашнинг инструментал воситаси сифатида хизмат қиласди. Электрон ҳукумат ривожланиш рейтингига уч марта кетма-кет 2010, 2012 ва 2014 йиллар давомида Корея Республикаси биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Австралия 2-ўрин, Сингапур 3-ўрин, Франция 4-ўринларни эгаллаб, 2012 йилга нисбатан қўтарилиган (жадвал 1.). Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 91-ўринни ва 2014 йил 100-ўринни эгаллади (жадвал 2).

1-жадвал.

Жаҳондаги мамлакатларнинг 2014 йил ҳолати бўйича электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги¹⁰

Country	Region	2014 EGDI	2014 Rank	2012 Rank	Change in Rank (2012–2014)
Republic of Korea	Asia	0.9462	1	1	-
Australia	Oceania	0.9103	2	12	↑ 10
Singapore	Asia	0.9076	3	10	↑ 7
France	Europe	0.8938	4	6	↑ 2
Netherlands	Europe	0.8897	5	2	↓ 3
Japan	Asia	0.8874	6	18	↑ 12
United States of America	Americas	0.8748	7	5	↓ 2
United Kingdom	Europe	0.8695	8	3	↓ 5
New Zealand	Oceania	0.8644	9	13	↑ 4
Finland	Europe	0.8449	10	9	↓ 1

Ўзбекистон Республикасининг рейтингда тушиш сабаблари:

- 2014 йил баҳолаш ва маълумотларни йиғиш телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва электрон ҳукумат дастурини амалга ошириш ҳамда қабул қилиш бошланишига қадар 2013 йил май ойидан июн ойига қадар ўтказилган.
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали 2013 йил 1 июлдан ишга туширилган.

¹⁰ United Nations E-Government Survey 2014. E-Government for the Future We Want, Printed at the United Nations, New York, 2014, page-15


2-жадвал.

Электрон ҳукумат ривожланиш рейтингида собиқ Совет Иттифоқи ва МДХ мамлакатлари (2014 йил)

№	Мамлакат	Үрин	EGDI	№	Мамлакат	Үрин	EGDI
1	Эстония	15	0.8180	9	Молдова Республикаси	66	0.5571
2	Россия Федерацияси	27	0.7296	10	Озарбайжон	68	0.5472
3	Қозогистон	28	0.7283	11	Украина	87	0.5032
4	Литва	29	0.7271	12	Ўзбекистон	100	0.4695
5	Латвия	31	0.7178	13	Қирғизистон	101	0.4657
6	Беларусь	55	0.6053	14	Туркменистан	128	0.3511
7	Грузия	56	0.6047	15	Тожикистан	129	0.3395
8	Арманистан	61	0.5897				

Электрон ҳукумат ривожланиш индекси қуйидаги учта индекс асосида аниқланади (1-расм):

- Онлайн хизматлар
- Телекоммуникация инфратузилмаси
- Инсон капитали



1-расм. Электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги

Онлайн хизматлар индекси

Электрон ҳукумат ривожланиш рейтингининг онлайн хизматлар индексида 10 миллий веб-сайтлар БМТ эксперти баҳолашидан ўтказилади. Булар Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси порталлари, Ҳукумат

порталы, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидир. Бунда юқорида келтирилган миллий веб-сайтлар ўзларининг фуқароларига онлайн хизматлар кўрсатиш қобилияти баҳоланади.

БМТ онлайн хизматлар ривожланишининг тўртта босқичи¹¹

1-босқич. Ахборот хизматларининг пайдо бўлиши босқичи

Давлат органлари веб-сайтлари давлат сиёсати, бошқарув, меъёрий-хуқуқий асослар, давлат хизматлари турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Давлат органлари веб-сайтлари вазирликлар ва бошқа давлат идораларига ҳаволаларга эга бўлади. Фуқаролар осонлик билан давлат органлари ҳақида маълумот олишлари ва ҳаволалар орқали харакат қилишлари мумкин бўлади.

2-босқич. Кенгайтирилган ахборот хизматлари

Давлат органлари веб-сайтлари фуқаролар билан бир томонлама ёки давлат хизматлари ва тизимлари учун шаклларни кўчириб олиш каби икки томонлама алоқаларни таъминлайди. Давлат органлари веб-сайтлари аудио ва видео имкониятларига ва кўп тилли интерфейсга эга бўлади.

3-босқич. Транзакцион хизматлар

Давлат органлари веб-сайтлари давлат сиёсати, давлат дастурлари ва меъёрий хужжатлар ҳақида маълумотлар олиш ва суровлар жўнатиш каби фуқаролар билан икки томонлама алоқага эга бўлади. Транзакция муваффақиятли тамом бўлиш учун фуқаролардан аутентификация қилиш талаб этилади. Давлат органлари веб-сайтлари электрон сайлов каби молиявий бўлмаган транзакциялар, шаклларни кўчириб олиш ёки жойлаштириш, солиқларни онлайн тўлдириш, сертификатлар, лицензиялар ва рухсатномалар учун сўровлар жўнатиш операцияларини амалга оширади. Шунингдек, улар хавфсиз тармоқ орқали молиявий транзакцияларни ҳам амалга оширишади.

4-босқич. Боғланган хизматлар

Давлат органлари веб-сайтлари хукумат билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабат усулини ўзгартиради. Ахборот, маълумотлар ва билимлар хукуматдан фуқароларга интеграциялашган тизимлар орқали узатилади. Хукуматга йўналтирилган ёндашувдан фуқароларга йўналтирилган ёндашувга ўтилади. Қарор қабул қилишда фуқароларнинг хукумат фаолиятида фаол иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришлари учун муҳит яратилади.

Бундан ташқари фуқароларнинг электрон иштирок этиши ва қарорлар қабул қилиш жараёнида катнашишлари хукумат томонидан рағбатлантирилади. Бу электрон хукуматнинг энг мураккаб даражаси ҳисобланади. У қуйидагилар билан характерланади:

1. Горизонтал боғланишлар (давлат органлари ўртасида);
2. Вертикал боғланишлар (марказий ва маҳаллий давлат органлари ўртасида);
3. Инфратузилмавий боғланишлар (мослашувчанлик);
4. Давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги боғланишлар;
5. Манбаатдор томонлар ўртасида боғланишлар (давлат органлари, хусусий сектор, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти).

Телекоммуникация инфратузилмаси индекси

Телекоммуникация инфратузилмаси индекси электрон хизматларни етказиб бериш билан боғлиқ алоқа тармоқлари инфратузилмасига таалуқли қуйидаги беш

¹¹ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page-37-38

асосий кўрсаткичлар йигиндисидан иборат. Ҳар бир ҳолатда Халқаро электралоқа иттифиоқи (ITU) асосий манба ҳисобланади.

Бешта кўрсаткичлар:

1. 100 кишига нисбатан интернет фойдаланувчилар улуши;
2. 100 кишига нисбатан телефон линиялари улуши;
3. 100 кишига нисбатан уяли алоқа фойдаланувчилари улуши;
4. 100 кишига нисбатан ажратилган кенг полосали тармоқ улуши;
5. 100 кишига нисбатан симсиз кенг полосали тармоқ улуши.

Инсон капитали индекси

Инсон капитали индекси иккита кўрсаткичлар: катталар саводхонлик даражаси ва бошлангич, ўрта ва ўрта махсус таълимни ўз ичига олган ёшлар саводхонлик даражасидан иборат. Катталар саводхонлик даражасига 2/3 қисм, ёшлар саводхонлик даражасига 1/3 қисм берилади. Маълумотлар асосан ЮНЕСКО маълумотларига асосланади ва БМТнинг тараққиёт дастури инсон ривожланиши ҳисботи билан тўлдирилади.

Инсон капитали индексини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қуидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда:

1. Идоралараро ишчи гурухни шакллантириш;
2. Электрон хукуматни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон рейтингини ошириш бўйича чора-тадбирларини тасдиқлаш;
3. Ягона очиқ маълумотлар порталини янада ривожлантириш;
4. Баҳоланувчи давлат идоралари веб-сайтларини такомиллаштириш учун молиялаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
5. БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департаменти ва ЮНЕСКО билан яқин ҳамкорликни ташкил қилиш;
6. Ижтимоий тармоқлар ва форумларда давлат идоралари матбуот хизматларини фаоллаштириш.

2-кейс.

“Электрон хукумат” тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва марказий маълумотлар базасини хақида тақдимотлар тайёрланг

- Кўчмас мулк;
- Миллий геоинформацион тизим;
- Жисмоний шахслар;
- Юридик шахслар;
- Справочниклар ва классификаторлар;
- Автотранспорт;
- “Клиринг” ахборот тизимлари комплекси;
- “Ҳарид” ахборот тизимлари комплекси;
- “Солик” ахборот тизимлари комплекси;
- “Божхона” ахборот тизимлари комплекси;
- “Лицензия” ахборот тизимлари комплекси;
- “Соғлиқни сақлаш” ахборот тизимлари комплекси;

- “Таълим” ахборот тизимлари комплекси;
- “Коммунал” ахборот тизимлари комплекси;
- “Адлия-2” ахборот тизимлари комплекси;
- “Давлат бошқаруви” ахборот тизимлари комплекси;
- “Нафақа” ахборот тизимлари комплекси;
- “Бюджет” ахборот тизимлари комплекси.

VI БҮЛІМ

ГЛОССАРИЙ

VIII. ГЛОССАРИЙ

Тушунча ўзбек тилида	Таърифи	Тушунча ўзбек тилида
Электрон ҳукумат	давлат оганлари кўрсатаётган хизматларнинг шаффоғлиги, самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш тизими	E-government
Электрон ҳукуматнинг принциплари	<ul style="list-style-type: none"> - давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги; - электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши; - «ягона дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш; - давлат органларининг хужжатларини бирхиллаштириш; - электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш; - электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш; - ахборот хавфсизлигини таъминлаш. 	E-government principles
G2C	Давлат → фуқароларга фуқаролар турли маълумотлар, хизматлар ва бошқа имкониятлар билан таъминланадилар.	G2C
G2B	Давлат → бизнесга ҳукумат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро бир қатор алоқаларни таъминлайди.	G2B
G2G	Давлат → давлатга давлат ичида ёки давлат идоралари ўртасидаги турли ахборотларни алмашиб ва ҳамкорликни қўллаб-куватлашни таъминлаш.	G2G
G2E	Давлат → ходимларга ички жараёнларини соддалаштириш ва фуқаролик хизмати, давлат ва унинг ходимлари ўртасидаги алоқа бошқарувини осонлаштириш орқали унумдорлигини оширади.	G2E
G2N	давлат бошқарув органлари билан нотижорат ташкилотлар ўртасидаги	G2N

	ўзаро муносабатлари	
Интеграциялашган миллий молия ахборот тизими	Турли давлат идораларида реал вактда бошқарилувчи молия соҳасига тегишли бўлган тизимлар бир-бираiga ўзаро бοглаш орқали ташкил қилинган	Integrated National Financial Information System
Маҳаллий электрон хукумат ахборот тизими	маъмурий ишларни стандартлаштириш ва ахборотлаштириш орқали маҳаллий хукумат бошқаруви тизимидағи хизматлар	Local e-Government Information System
Таълим ахборот тизими	Мактаблар, таълим вилоят оғислари ва уларнинг туман идоралари, Таълим вазирлиги ва инсон ресурсларини ривожлантириш муассасалари ўртасида умуммиллий ахборот тармоғи	Educational information system
Хукумат электрон хужжат алмашинуви	электрон қайта ишлаш, барча давлат хужжатларини тайёрлаш, тасдиқлаш, сақлаш ва тарқатиш тармоғи	State electronic document management
Бизнес жараёнларни мақбуллаштириш	иши олиб бориш жараёни оқими ёки поғоналараро оқимини қайта ишлаб чиқиши билан жараённинг самарадорлигини ошириш	Business Process Optimization
Электрон хукуматни жорий этишнинг 1-чи босқичи	веб порталларнинг яратилиши хукуматни электрон тармоқ тузилмасига чиқиши билан характерланади	1-stage of the introduction of e-government
Электрон хукуматни жорий этишнинг 2-чи босқичи	веб портал иштирокида хукумат сайтлари орқали фойдаланувчиларга маҳсус ва янги маълумотларни кўплаб тақдим этилиши	2-stage implementation of e-government
Электрон хукуматни жорий этишнинг 3-чи босқичи	интерактив веб порталлар аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга, давлат тузилмалари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг изчиллигини оширади	3-stage implementation of e-government
Электрон хукуматни жорий этишнинг 4-чи босқичи	фойдаланувчи учун ахборот оқими веб портали тармоқ орқали хужжатларни олиш ва келишувларга эришишни таъминлайди	4-stage implementation of e-government
Электрон хукуматни жорий этишнинг 5-чи босқичи	тўлиқ интеграллашган веб портал хукумат портали тармоғи орқали хизмат кўрсатиш ва боғланишни таъминлайди, тармоқ фойдаланувчисига ихтиёрий хизматни ўз вактида олишини таъминлайди	5-stage implementation of e-government

Ягона ойна	керакли маълумотларни битта “ойна” орқали олиб ишлатиш тизими, ҳафтанинг 7 куни ва куннинг 24 соати мобайнида хизмат кўрсатади	single window
Электрон хукуматнинг 1-чи элементи	Электрон воситалар ёрдамида омманинг фикрини (фуқаролар тармоғи, овоз бериш ва бошқалар) шакллантириш ва қарорлар қабул қилишга асосланган электрон демократия ҳамда иштирок	The first element of e-government
Электрон хукуматнинг 2-чи элементи	Электрон воситалар ёрдамида ўзаро оммавий, хусусий ва оммавий институтлар ўртасидаги ҳамкорлик шакли электрон фойдаланиш тармоғи	The second element of e-government
Электрон хукуматнинг 3-чи элементи	Фойдаланувчиларга, хусусий шахс ёки жамоага маҳаллий, худудий ёки миллий портал орқали хизматни тақдим этишга асосланган оммавий электрон хизмат	3rd element of e-government
my.gov.uz	Ягона интерактив давлат хизматлари портали	my.gov.uz
Интерактив давлат хизмати	идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда идоралар томонидан кўрсатиладиган хизматлар	Interactive public service

VII БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР
РҮЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Конуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февраль “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги

ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 май “«Электрон хукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4328-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрь “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони.

III. Махсус адабиётлар

22. Зайнидинов Х.Н., Якубов М.С., Корабоев Ж. Электронное правительство // Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, Координационный комитет по развитию науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан. –Т.: Академия, 2015.- 175 с.

23. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Евropa Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. <https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3. UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf>

24. Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh. E-Government Applications. - Republic of Korea: Scand-Media Corp. Ltd., 2016.

IV. Интернет сайтлар

25. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

26. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

27. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

28. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

29. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

30. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий

кутубхонаси

31. <http://www.tuit.uz> - Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
32. <https://www.litres.ru/1ps-ru/smm-dlya-novichkov/>
33. <https://zillya.ua/ru/check-password>
34. <https://habr.com/ru/post/21822/>

РЕЦЕНЗИЯ
на учебно-методический комплекс, составленный О.Джураевым по модулю
«Электронное правительство» для курсов повышения квалификации и
переподготовки педагогических кадров высших образовательных учреждений
направления «Информационные системы и технологии»

Учебно-методический комплекс по модулю «Электронное правительство» составлен для курсов повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров высших образовательных учреждений направления «Информационные системы и технологии» и содержит в себе программу курсов, рекомендованные педагогические технологии, тексты лекций, материалы для практических занятий, кейсы, глоссарий и список рекомендованной литературы и интернет сайтов. Программа модуля соответствует содержанию типовой программы данного направления и включает в себя введение, цели и задачи модуля, требования к знаниям, умениям, навыкам и компетенциям слушателей, рекомендации к проведению занятий, содержание и разбивка часов по темам и список рекомендованной литературы и интернет-сайтов. В программе и в учебно-методическом комплексе раскрываются такие темы, как: понятие, цели и задачи электронного правительства, нормативно-правовая база для развития электронного правительства, успехи и факторы риска внедрения электронного правительства, модели электронного правительства, внедрение системы электронного правительства: история, этапы и опыт, работа с едиными интерактивными порталами государственных услуг Республики Узбекистан, использование интерактивных сервисных систем электронного правительства. Разработанный автором учебно-методический комплекс соответствует содержанию типовой программы данного направления, часы распределены соответственно часам, указанным в учебном плане. В нем приведены основные материалы по данному модулю, которые соответствуют современному состоянию развития как информационно-коммуникационных технологий, так и электронного правительства.

Таким образом, учебно-методический комплекс по модулю «Электронное правительство» может быть рекомендован к использованию на курсах повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров высших образовательных учреждений направления «Информационные системы и технологии» и его можно рекомендовать к публикации.

В.и.о. исполнительного директора
Совместного Белорусско-узбекского
межотраслевого института прикладных
технических квалификаций,
доктор педагогических наук (DSc)



Я.Исмадиев

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ КУРСИ УЧУН
ТАЙЁРЛАНГАН**
“ЭЛЕКТРОН ҲУҚУМАТ” МОДУЛИНИНГ
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАСИГА
ТАҚРИЗ

Ўкув-услубий мажмуа “Электрон ҳуқумат” модули бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчилари учун яратилган. “Электрон ҳуқумат” модулининг мақсади: электрон ҳуқумат бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ошириш ва модулнинг вазифалари олий таълим муассасалари педагог кадрларида электрон ҳуқумат ҳақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат деб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда ўкув-услубий мажмууда тингловчиларнинг ушбу модуль доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар келтирилган.

Ўкув-услубий мажмуа доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари, ўкув режалари ва дастурлари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илфор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Умуман олганда, “Электрон ҳуқумат” модули бўйича яратилган ўкув-услубий мажмуа барча талабларга жавоб беради ва уни ўкув жараёнида қўллаш ва чоп этиш учун тавсия этиш мумкин.

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси
мудири, профессор



Х.Зайнидинов

